

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 346.2 (575.1)

БЕГАЛИЕВ РАШИДЖОН ЖУМАНОВИЧ

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ СИФАТИДА
ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

**5А240102 – Хўжалик ҳуқуқи (Тадбиркорлик ҳуқуқи; хўжалик
процессуал ҳуқуқи; меҳнат ҳуқуқи; қишлоқ хўжалик ҳуқуқи)**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар: юридик фанлар номзоди
доцент Х.Т.Азизов**

Тошкент – 2014

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	2-7
I боб. Тадбиркорлик субъекти сифатида хусусий корхоналар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тавсифи.....	
1. Хусусий корхона тушунчаси ва белгилари.....	8-15
2. Хусусий корхона тадбиркорлик ҳуқуқи субъектчилигининг ўзига хос хусусияти.....	16-27
3. Хусусий корхоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ривожланиши.....	27-36
I боб бўйича хулоса.....	36-37
II боб. Хусусий корхоналар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишининг тартиби ва асослари.....	
1. Хусусий корхоналарнинг мулкӣ асослари ва уни бошқариш.....	38-45
2. Хусусий корхоналар иштирокидаги шартномаларнинг ҳуқуқӣ табиати.....	45-51
3. Хусусий корхоналар фаолиятини амалга оширишда солиқлар ва бухгалтерия ҳисоби масалалари.....	51-58
II боб бўйича хулоса.....	58-59
III боб. Хусусий корхоналар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари.....	
1. Хусусий корхоналар фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва уларни ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш.....	60-69
2. Хусусий корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик масалалари.....	69-76
III боб бўйича хулоса.....	76-77
Хулоса.....	78-81
Адабиётлар рўйхати.....	82-98

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар асосида тадбиркорлик фаолияти субъектларига қатор кафолат ва имтиёзлар яратилди. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Шу маънода Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди... Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда”¹.

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари фуқаролик ва бошқа қонунчиликларда кўрсатилганидек, бир неча ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатади. Шулардан хусусий корхоналарнинг ҳам эркин фаолият кўрсатиши учун давлатимиз томонидан уларни қўллаб-қувватлаш орқали турли шарт-шароитлар яратилмоқда ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминланмоқда. Чунки хусусий корхона бозор иқтисодиёти шароитида, рақобат муҳити тобора жадаллашиб бораётган бугунги кунда ўзининг қулай жиҳати, яъни ҳар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

кандай иқтисодий шароитга тез ва кам сарф билан мослаша олади. Шунингдек, бошқарув ҳам корхона мулкдорининг ўзи томонидан яккабошчилик асосида амалга оширилади.

Мустақиллигимиздан сўнг давлат мулкни хусусий секторга ўтказиш сиёсати жадал равишда амалга оширилди. Хусусийлаштириш орқали давлат мулки объектларини мулкдор томонидан сотиб олиниши хусусий корхоналарнинг вужудга келиши ва ривожланиши учун муҳим омилга айланди. Бундан ташқари 2012 йилда “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”²ги Қонуннинг қабул қилиниши ва у орқали хусусий мулкнинг дахлсизлиги, давлат ҳимоясидалиги ва унга қатор имтиёз ва кафолатларнинг белгиланиши, бевосита мулкдор қўли остидаги хусусий корхоналарга ҳам тегишлилигини қайд этишимиз лозим. Бу эса янги ташкил этилаётган ёки фаолиятини амалга ошираётган хусусий корхоналар шунингдек, давлат мулкни хусусийлаштириш билан ташкил этилаётган хусусий корхоналарнинг бундан кейинги ташкил этилиши ва фаолиятини янада ривожлантириш, эркинлаштириш ва замонавийлаштириш билан боғлиқ қатор изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Мавзунинг аҳамиятли жиҳати унда хусусий корхоналар ташкил этилиши, тузилиши ва фаолиятида содир бўлган ўзгаришларнинг иқтисодий, ҳуқуқий аҳамиятини очиқ беришдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур мавзунинг долзарблиги бозор муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, хусусий корхоналарни тадбиркорлик нуқтаи-назаридан тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот ишининг объекти – хусусий корхоналар ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлардир.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда.

Тадқиқот ишининг предмети – хусусий корхоналарни тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият йўналишини, ўзига хос хусусиятларини миллий ва хорижий тажрибага таянган ҳолда демократик бозор иқтисодиёти муносабатлари нуктаи назаридан тадқиқ этиш ва универсиализириш тенденциясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертациянинг мақсади бугунги бозор иқтисодиёти шароитида хусусий корхоналарни тадбиркорлик субъекти сифатида уларнинг ҳуқуқий мақомини, ташкил этилиши ва тугатилиши, уларнинг асосий фаолият йўналишини, ўзига хос хусусиятларини миллий ва хорижий тажрибага асосланиб ҳар томонлама ўрганиш ва чуқур таҳлил этиш асосида қонун ҳужжатларининг нормаларини такомиллаштиришга йўналтирилган ҳамда амалий фаолиятда самарали қўллаш учун мўлжалланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, диссертациянинг вазифалари хусусий корхоналар тадбиркорлик субъекти сифатидаги роли ва аҳамиятини очиб берган ҳолда, уларга ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик субъекти сифатида хусусий корхоналарнинг тадбиркорлик ҳуқуқи фани нуктаи назаридан ўрганишнинг ижтимоий зарурлигини кўрсатиш;
- хусусий корхона тушунчасига илмий таъриф бериш;
- хусусий корхоналарнинг бошқа тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- хусусий корхоналарни ташкил этиш, тугатиш асосларини, унинг мазмуни, тартиби, амалга оширишнинг моҳиятини очиб бериш;
- хусусий корхона фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва уларнинг ривожланишини тадқиқ этиш;

– хусусий корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишларини ҳуқуқий асослаш;

– хусусий корхоналар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини илмий таҳлил этиш;

– хусусий корхоналарга оид чет эл тажрибасини ўрганиш;

– миллий ва чет эл тажрибасига таянган ҳолда хусусий корхоналарни ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф, тавсиялар ишлаб чиқиш ва асослаб беришдир.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари қуйидагилардан иборат:

– тадбиркорлик субъекти сифатида хусусий корхоналар фаолиятини бозор иқтисодиёти нуктаи назаридан ўрганишнинг ижтимоий зарурлиги кўрсатилди;

– хусусий корхоналарнинг тадбиркорлик субъектлари тизимидаги ўрни ва ўзига хос хусусиятлари аниқланди;

– “хусусий корхона” тушунчасига илмий таъриф ишлаб чиқилди;

– тадбиркорлик субъектларини, шунингдек хусусий корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ҳуқуқий асосланди;

– хусусий корхоналар билан боғлиқ миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ва асослаб берилди.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Хусусий корхоналарни фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатидаги ҳуқуқий мақомига оид айрим жиҳатлари мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан маълум даражада тадқиқ этилган.

Тадбиркорлик ва юридик шахслар билан боғлиқ масалалар М.Э.Абдусаломов³, Х.Т.Азизов⁴, Д.М.Караходжаева⁵, О.Оқюлов⁶,

³ Абдусаломов М.Э. “Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари”: ю.ф.н. ...дис. -Т.: 2004. 147 б.

Ҳ.Р.Раҳмонқулов⁷, Ш.Н.Рўзиназаров⁸, В.Р.Топилдиев⁹, С.Б.Холбоев¹⁰ А.Х.Шукуруллаев¹¹, В.Ё.Эргашев¹², Ж.Юлдашев¹³ ва бошқа кўплаб миллий ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган. Хусусий корхоналар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этишда юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг асарларидан фойдаланилди.

Юртимиздаги хусусий корхоналарга оид тадқиқотлар кўпроқ мақолалар, рисоалар тарзида ўрганилган. Улардан А.Абраев ва А.Абдуллаев¹⁴, С.Зокиров¹⁵, Ш.Мирзаҳакимов¹⁶, Ш.Султонов¹⁷, Н.Саидғозиева ва Ф.Мирзаев¹⁸, Ф.Қодиров¹⁹ларнинг мақолалари ҳамда Л.Мадумаров, Ф.Хасановлар²⁰нинг рисоласини келтириб ўтсак бўлади.

МДҲ ва хорижий мамлакатларда юридик шахслар билан боғлиқ масалалар М.И.Брагинский, С.Н.Братусь, В.В.Витрянский, В.Я.Горфинкель, А.Краменко, Г.Б.Поляк, А.В.Шестаков, А.П.Сергеев, Е.А.Суханов ва бошқалар томонидан муайян даражада ўрганилган.

⁴ Азизов Х.Т. ва бошқалар. “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш”. -Т.: Академия, 2013. 114 б.

⁵ Караходжаева Д.М. “Проблемы развития и совершенствования законодательства о праве собственности юридических лиц в Республике Узбекистан”: ю.ф.д. ...дис. -Т.: ТДЮИ, 2008. 310 б.

⁶ Оқюлов О. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқининг долзарб муаммолари. -Т.: ТДЮИ, 2007. 147 б.

⁷ Раҳмонқулов Ҳ.Р. “Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари”. Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон, 2008. 200 б.

⁸ Рўзиназаров Ш.Н. “Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми”: ю.ф.д. ...дис. -Т.: 1995. 343 б.

⁹ Топилдиев В.Р. “Юридик шахсларни ташкил этиш бўйича таъсис шартномаларининг назарий ва амалий муаммолари”: ю.ф.н. ...дис. -Т.: ЎЗМУ, 2005. 186 б.

¹⁰ Холбаев С.Б. “Тўла хўжалик юретиш ҳуқуқининг субъекти сифатида корхонанинг мулкӣ-ҳуқуқӣ лаёқати”: ю.ф.н. ...дис. -Т.: ТДЮИ, 1994. 170 б.

¹¹ Шукуруллаев А.Х. “Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиниши”: ю.ф.н. ...дис. -Т.: 2001. 185 б.

¹² Эргашев В.Ё. “Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари” ю.ф.н. ...дис. -Т.: 2005. 182 б.

¹³ Юлдашев Ж.И. “Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида”: ю.ф.н. ...дис. -Т.: ТДЮИ, 2008. 196 б.

¹⁴ Абраев А., Абдуллаев А. “Хусусий корхона” // “Ҳаёт ва қонун” журнали, 2005 йил 3-сон, 11-12-бетлар.

¹⁵ Зокиров С. “Хусусий корхона хўжалик юритувчи субъект сифатида” // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси, 2011 йил 7-сон, 27-30-бетлар.

¹⁶ Мирзаҳакимов Ш. “Хусусий корхоналарни текшириш тартиби: суд амалиёти” // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси, 2012 йил 5-сон, 24-28-бетлар.

¹⁷ Султонов Ш. “Хусусий корхоналар ҳуқуқ ва манфаатларини судда ҳимоя қилиш” // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси, 2007 йил 12-сон, 33-35-бетлар.

¹⁸ Саидғозиева Н., Мирзаев Ф. “Хусусий корхонада мажбурият бўйича жавобгарликнинг айрим масалалари” // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси, 2006 йил 2-сон, 47-48-бетлар.

¹⁹ Қодиров Ф. “Хусусий корхоналарни ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос тартиби” // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси, 2005 йил 2-3-сон, 41-42-бетлар.

²⁰ Мадумаров Л., Хасанов Ф. “Хусусий корхона – юридик шахс сифатида”. -Т.: ТДЮИ, 2009. 80 б.

Бироқ ҳозирги кунга қадар хусусий корхоналарни тадбиркорлик ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасида докторлик махсус илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот жараёнида умумижтимоий (фалсафий), махсус илмий ва ҳуқуқий методлардан фойдаланилган бўлиб, мавзунини изчил тарзда ёритиш мақсадида тадқиқотчи томонидан мантиқий (таҳлил, синтез) методлардан ташқари статистик маълумотларни таҳлил қилиш, хусусий корхоналарга оид илмий материал ва қонун ҳужжатларини таҳлилий ўрганиб чиқиш каби махсус-илмий методлар қўлланилган. Шунингдек, мавзудаги юридик атамалар ва ҳуқуқий масалалар қиёсий-ҳуқуқий, тарихий-ҳуқуқий, формал-юридик, мантиқий-ҳуқуқий, тузилмавий-таҳлилий ва шу каби бошқа ҳуқуқий методлар орқали ёритиб берилган.

Диссертациянинг концептуал вазифаси Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида белгиланган демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий-либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқиб белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ва унда илгари сурилган ғоялар, ёндашувлар, таклиф ва тавсиялардан миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштиришда, “Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи”, “Банкротлик ҳуқуқи”, “Рақобат ҳуқуқи” ўқув фанидан дарс беришда ва ушбу ҳуқуқ соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб боришда, шунингдек хусусий корхона тузиш истагидаги тадбиркорларнинг ҳуқуқий онгини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасида демократик бозор муносабатларида тадбиркорлик субъекти сифатида хусусий корхоналарга оид назарий, ҳуқуқий ва амалий масалалар илк маротаба Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи соҳаси нуқтаи назаридан тадқиқ этилиб, бу борада муаммоларнинг ўзига хос ечими сифатида янги тушунчалар, илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар, шунингдек янги ёндашувлар ишлаб чиқилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, саккиз параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унда хусусий корхона тушунчаси ва бошқа тадбиркорлик субъектларидан фарқли жиҳатлари, уларнинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва тугатилиши, хусусий корхоналар бўйича чет эл тажрибаси ва шу орқали қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини таъминлаш, хусусий корхона фаолияти эркинлигининг кафолатлари, уларни ҳимоя қилиш ва уларнинг жавобгарлиги каби масалалар тадқиқ этилган.

I БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Хусусий корхона тушунчаси ва белгилари

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қатор иқтисодий-ҳуқуқий ислоҳотлар ўтказилиб, бу фаолиятни амалга оширувчи субъектлар учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Глобаллашув жараёнида аҳолининг кундан-кунга ўсиб бораётган талабларига мос равишда янги ислоҳотлар ўтказилиб, улар асосида бир қанча қонунлар қабул қилинди ва мавжудларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Буларнинг барчаси бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг, турли мулк шаклларининг ривожланишига, тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар яратиб бериш орқали аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган босқичма-босқич ислоҳотларнинг давоми сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов бу борадаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари сифатида қуйидагиларни таъкидлайдилар: “Иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини шакллантириш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайитириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш - буларнинг барчаси ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳал қилувчи йўналиши ҳисобланади”²¹.

Хусусий корхоналарнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хусусий корхона тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг

²¹ Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли”. -Т.: Ўзбекистон, 2007. 38-б.

кафолатлари тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Хусусий корхоналар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва шу асосда даромад олиш мақсадида тузилади. 2012 йил 2 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунга асосан, тадбиркорлик фаолияти - бу тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир²².

Хусусий корхоналар юридик шахсларнинг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасига биноан, юридик шахс – бу ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ёки шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот ҳисобланади. Юридик шахслар икки турда бўлиши мумкин. Бири фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот), иккинчиси фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот)дир. Кодексда тижоратчи ташкилотлар сифатида тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, очик ва ёпиқ акциядорлар жамияти²³, шўъба хўжалик жамияти, қарам хўжалик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативлари, хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона, оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси кўрсатилган ва уларнинг ҳуқуқӣ

²²Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда.

²³ 2014 йил 6 майда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда “акциядорлик жамиятлари” атамаси ишлатилган. Кодекс ва қонундаги ушбу атамалар унификацияланса, яъни бирхиллаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

мақоми белгиланган. Ҳуқуқшунос олим Д.Қараходжаева юридик шахс турлари ҳақида қуйидагиларни ёзади: “юридик шахсларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: акциядорлик жамияти (очиқ ва ёпиқ турдаги); хўжалик жамоалари (чекланган ва қўшимча масъулиятли); ўртоқликлар (тўлиқ ва коммандит) ва унитар корхоналар. Ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг мазкур рўйхатини тугал деб ҳисоблаш мумкин”²⁴. Лекин кодексда тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин деган норманинг мавжудлиги қонунлар асосида янги вужудга келадиган ташкилий-ҳуқуқий шаклларни ҳам инкор этмайди. Хусусий корхоналар ҳам қонун асосида вужудга келган юридик шахсларнинг бир туридир. Фикримизча, қонунларда назарда тутилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллар Фуқаролик кодексига киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан, мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган²⁵ ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир. Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади²⁶.

Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, хусусий корхона ягона жисмоний шахс томонидан ва унинг мол-мулки негизида ташкил этилади. Уни тузишда бевосита бошқа тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-

²⁴ Қараходжаева Д. “Юридик шахс институти” // “Ҳаёт ва қонун” журнали, 2004 йил 4-сон, 22-б.

²⁵ “Тузилган” сўзи ўтган замон маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, хусусий корхоналар нафақат ушбу қонун қабул қилингунча, балки ундан кейин ҳам ташкил этилади. Шунинг учун бу сўзни “тузиладиган” сўзига алмаштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 8-модда.

ҳуқуқий шаклларидек муассис сифатида юридик шахслар ҳам бир неча мулкдор жисмоний шахслар ҳам иштирок эта олишмайдилар. Бу унинг қонун асосида кўрсатилган ўзига хос жиҳатларидан биридир. Чунки тадбиркорлик фаолияти субъектларидан ҳисобланувчи акциядорлик жамиятлари ҳам, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар шунингдек, ширкат хўжаликлари ҳамда оилавий корхоналар ҳам тааллуқлилигига қараб, бир ёки бир неча иштирокчи бўлган жисмоний шахслар томонидан ва юридик шахс томонидан таъсис этилиши мумкинлиги қонун ҳужжатларида белгиланган.

2014 йил 6 майда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”²⁷ги янги таҳрирдаги Қонунда акциядорлик жамияти деб, устав фонди акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти эканлиги кўрсатилган. Хусусий корхоналардан фарқли равишда акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари юзасидан унинг акциядорлари жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Шунингдек, хусусий корхона масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлардан ҳам ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга. 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”²⁸ги Қонун бўйича бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган хўжалик жамияти масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият деб ҳисобланади.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-модда.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-модда.

Унда масъулияти чекланган жамият иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмасликлари белгилангани ҳолда, қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулклари билан ҳамма учун бир хил бўлган ва қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган қаррари миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Бир шахс томонидан тузилган қўшимча масъулиятли жамият хусусий корхонага ўхшаб кетади, лекин жамиятда иштирокчи уни бошқариши ҳам, бошқармаслиги ҳам мумкин.

Хусусий корхона ягона мулкдорнинг мол-мулки асосида ташкил этилиш билан бирга, бевосита шу мулкдорнинг яқка ўзи раҳбар сифатида унинг фаолиятини бошқариб боради. Хусусий корхонанинг бирор-бир мажбурият юзасидан келиб чиқувчи жавобгарлигида шу мажбуриятни зиммасига олган ёки унинг келиб чиқишида буйруқлари билан ҳамда бошқа қўриниш (шартномалар тузиш, ишончномалар бериш ва ҳоказо)ларда иштирок этувчи корхона раҳбарининг ҳаракатларисиз юз бермаслиги назарда тутилади. Бу эса корхона раҳбаридан ўзига яраша масъулият ҳиссини юзага келтиради.

2012 йилда қабул қилинган “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”²⁹ги Қонунга асосан, тадбиркорлик фаолиятининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхоналар ташкил этиш белгиланди. Оилавий корхона ўзининг тузилиш шакли, жавобгарлик масалалари ва фаолият доираси бўйича хусусий корхонага бироз яқин бўлсада, бироқ унинг таъсисчилари оила аъзоларидан иборат бўлишлиги, иштирокчиларнинг камида икки кишидан ташкил этилиши, фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланиши, фақат кичик тадбиркорлик субъекти доирасида тузилиши, бошқарувда умумий йиғилишнинг устувор ваколатлилиги жиҳатларидан унинг мустақил ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатида ўзига хос сифатларини кўрсатади. Оилавий корхонанинг таъсис ҳужжати мазкур

²⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 17-сон, 188-модда.

корхонанинг барча иштирокчилари томонидан тузиладиган таъсис шартномасидир. Хусусий корхонада эса таъсис ҳужжати унинг уставидир. “Хусусий корхона тўғрисида”³⁰ги Қонун 12-моддасининг 3-қисмига асосан, хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади деб белгиланган. Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Бунда мулк эгалари ҳисобланувчи оила аъзолари қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлашларига боғлиқ. Улар ўз оила имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ё ўз улушларини хусусий корхонанинг мулкдори ҳисобланувчи оила аъзосига ўтказди ва уни бошқариш ва фаолият юритишида иштирок этмайди, ёки бўлмаса, ўз улуши билан оилавий корхона устав фондини шакллантириш асосида унинг фаолиятида иштирок этади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик - юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши ҳисобланади³¹. Қонунчилигимизга асосан, якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ, туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади. Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 8-модда.

³¹ Эгамбердиев Э., Хўжакулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. -Т.: Молия институти, 2003. 175-б.

фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

Хусусий корхона – бу кўп жиҳатдан якка тартибдаги тадбиркорликнинг ижобий хусусиятларини сақлаб қолган ва унинг чекланишларидан озод бўлган ташкилий-ҳуқуқий шаклдир³². Ҳақиқатдан ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда, якка тартибдаги тадбиркор - мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузиладиган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот эмас, балки жисмоний шахс, чунки у ходимларни ёллаш олмайдиган. Хусусий корхона эса хоҳлаганча ходим ёллаши мумкин бўлган ташкилотдир.

Бундай турдаги корхоналар фаолияти ҳозирда ривожланган давлатлар иқтисодиётида етакчи мавқени эгаллаб улгурган. Германияда ягона шахс компанияси барча масъулияти чекланган жамиятларнинг 45 фоизини ҳамда ҳақиқатда бир шахс томонидан назорат қилинадиган жамият ва “оилавий жамият” билан биргаликда, барча шундай жамиятларнинг 80 фоиздан кўпроғини ташкил қилади. АҚШ иқтисодиётида ҳам хусусий корхоналар фаолияти асосий улушни эгаллайди³³.

Юртимизда мулк эгаларининг аксарияти ўз тадбиркорлик фаолиятини хусусий корхона шаклида олиб бормоқдалар. Улар мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, аҳолини иш билан таъминлашда ва ижтимоий ҳимоялашда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Лекин, таъкидлаш жоизки, “хусусий корхона” атамаси турли қонун ҳужжатларида маънодош сўз сифатида ишлатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида “хусусий корхона” сўз бирикмаси барча ташкилий-ҳуқуқий шаклларни қамраб олаётганлигини кузатишимиз мумкин. “Хусусий” сўзи юридик

³² Пугач И.Л. “Кичик ва оилавий бизнес: ташкил этиш ва ривожлантириш”. Тадбиркорлар учун қўлланма. 2012. 9-б. Рус тилидан ўзбек тилига таржима. // www.ced.uz.

³³ Саидғозиева Н., Мирзаев Ф. “Хусусий корхонада мажбурият бўйича жавобгарликнинг айрим масалалари” // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси, 2006 йил 2-сони, 48-б.

шахсларнинг мулкчилик шаклини ифодаловчи сўз бўлиб, “корхона”³⁴ сўзи эса умумий маънода барча ташкилий-ҳуқуқий шаклларни ҳам ифодалаши мумкин. Шунинг учун қонун ҳужжатларида баъзи атамавий чалкашликлар вужудга келмоқда. Ваҳоланки, қонунларимиз халқимизга тўғри ва аниқ тушинилиши лозим.

Тадқиқотлар давомида шу нарса аниқ бўлдики, айрим чет эллар мамлакати қонунчилигида хусусий корхонага яқин бўлган тадбиркорлик субъектлари турлича ифодаланади. Масалан, Хитойда “индивидуал хусусий корхона”, Литвада “индивидуал корхона”, Украинада “хусусий корхона” ва ҳоказо.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва юридик техника талабларига асосан, “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунда ишлатилган “хусусий корхона” атамасини “якка корхона”, “индивидуал корхона”, “хусусий фирма” ёки “шахсий фирма” сўз бирикмаларидан бирига алмаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мухтасар қилиб айтганда, Хусусий корхоналар қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан характерланади. Биринчидан, давлатимиз томонидан қонун ҳужжатлари асосида хусусий корхонага берилаётган имтиёз ва кафолатлар ижтимоий адолат принципига мувофиқлиги; иккинчидан, уни ташкил этиш ва тузиш бир мунча ихчам ва содда эканлиги; учинчидан, хусусий корхонанинг қонун ҳужжатларида акс этган ҳуқуқий режимининг бошқа тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий режимига нисбатан қулай имкониятларга эга эканлиги; тўртинчидан, ягона мулкдор мулки асосида ташкил этилиши ва унинг бевосита иштироки асосида бошқарилиши хусусий корхона фаолиятини ўйлаб ва чуқур мушоҳада билан тўғри юритилишини таъминлайди.

³⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғатида корхона сўзи қуйидагича изоҳланади: “Корхона (форс ва тожик тилларига мансуб сўз - ишхона) ишлаб чиқариш ёки савдо бўлими ҳамда шундай бўлимлардан бир нечасининг бирлашмаси”. // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. -Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. 410-б.

1.2. Хусусий корхона тадбиркорлик ҳуқуқи субъектчилигининг ўзига хос хусусияти

Президентимиз И.Каримов мустақилликнинг илк даврларида тадбиркорлик субъектлари ва уларни ташкил этиш борасида қайд этганидек, “Кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиш лозим. Бунинг учун кичик ва ўрта бизнес корхоналарини тузиш шартларини соддалаштириш даркор³⁵”. Ҳақиқатдан ҳам, ушбу муносабатларни тартибга солишга оид бир неча қонуности нормалари мавжуд эди ва уларда рўйхатга олишга оид кўплаб ҳужжатлар тақдим этилиш лозимлиги акс этган эди. Уларни йиғиш учун эса бир неча идораларга қайта-қайта мурожаат этилиши амалиётда тадбиркорлик субъектларига муайян қийинчиликлар яратарди. Сўнгги йилларда бу борадаги амалга оширилган ўзгаришлар, янгиланишлар хусусида Президентимиз қуйидагиларни билдирди: “Бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар 2 кун давомида тегишли рухсат олиш имкониятига эга бўлиб, бу муддат ривожланган давлатлардаги мавжуд мезонларга ҳар томонлама мос келади. Энг муҳими, тегишли ташкилотга бориб, эшикма-эшик юришга бутунлай барҳам берилиб, “битта дарча” тамойили жорий этилгани кўпчилик тадбиркорлар учун айти муддао бўлмоқда”³⁶.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инсон ўзининг мустақил тадбиркорлик фаолиятини яқка тадбиркор сифатида ёки юридик шахс ташкил этиб амалга оширар экан, аввало ушбу фаолиятни давлат рўйхатидан ўтказиши лозим. Шу маънода ягона мулкдор томонидан ва унинг мулки негизида ташкил қилинувчи хусусий корхона ҳам тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. А.Краменко ёзганидек,

³⁵ Халқ ишончи - олий саодат // Ўзбекистон Президенти сайловлари: қарорлар, мурожаатлар. -Т.: 2000. 313-б.

³⁶ Каримов И.А. “Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир”. 20-том. -Т.: Ўзбекистон, 2012. 80-б.

“юридик шахс мулкӣ ва номулкӣ шахсий ҳуқуқларга эга бўлиши учун конун ундан давлат рўйхатидан ўтишни талаб қилади”³⁷.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш унинг турли ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ҳуқуқ субъекти сифатида иштирокини таъминлайди. Бу жараёнда у ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлади. Бунинг учун у ваколатли давлат органига мурожаат қилади. Олимлар айтганидек, “Агар тадбиркорлик субъекти ташкил этилгач, мол-мулк унга бириктирилиб, ҳатто ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ёки хизмат кўрсатиш учун тўлиқ шарт-шароитлар яратилган бўлса-да, формал ҳолат, яъни у давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, субъект сифатида тан олинмайди ва фаолияти ноқонуний ҳисобланади”³⁸.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатига олиниши сабаби, уларни маълум бир тизимда бирлашиши ва давлатнинг иқтисодий функцияларини бажаришига боғлиқлиги билан биргаликда, айрим демократик тамойиллар асосида келиб чиққанлиги билан характерланади. Ж.Юлдашевнинг фикрича, тадбиркорликнинг давлат рўйхатидан ўтказилишидан икки мақсад кўзланади - “... биринчидан, тадбиркорлик тизимини ноинсоф рақобатдан, ўз мансабини суиистеъмол қилувчи давлат амалдорлари тазйиқидан ҳимоялаш тизимини яратиш; иккинчидан, давлат ва маҳаллий бюджетга солиқ ва тўловлар тушишини назорат қилиш”³⁹.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш соҳасидаги амалга оширилган муҳим ишлардан бири сифатида, туман ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда - инспекция) ташкил этилди. Бундан ташқари рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда бюрократия ва сансалорлик ҳолларини

³⁷ Краменко А. “Порядок государственной регистрации коммерческих организаций с иностранными инвестициями” // Право и экономика. 1999. №10. – С.14

³⁸ Абдусаломов М., Рўзиназаров Ш. “Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий лаёқати ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари” // Ҳуқуқ–Право–LAW журналы, 2002 йил 4–сон, 13-б.

³⁹ Юлдашев Ж. “Рўйхатдан ўтказиш ҳақида нималарни биламиз?” // Ҳуқуқ ва бурч журналы, 2011 йил 11/71-сон, 28-б.

олдини олишга қаратилган турли чора-тадбирлар кўрилди ва кўрилмоқда. Бу борада Президентимиз И.Каримов “Тадбиркорлик фаолияти йўлига тўсиқ қўйиш, унга қарши чиқиш, бу - давлат сиёсатига, Президент сиёсатига қарши чиқиш, деб баҳоланиши керак. Буни қайси лавозимда ўтирганидан қатъи назар, барча мансабдор ва масъул раҳбарлар қулоғига қуйиб олиши шарт”⁴⁰ - деб қайд этган.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунда, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан “бир дарча” принципи бўйича ва, қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши назарда тутилган. Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга ёки унга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан, юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Юридик адабиётларга мурожаат қилсак, “юридик шахсларни ташкил қилиниши кимнинг хоҳиш иродасига ва қандай тартибда амалга оширилаётганига қараб, таъсис-фармойиш, таъсис ва шартномавий-таъсис усулларига бўлинади”⁴¹.

Таъсис этиш усули билан битта шахс иштирокидаги ташкилотлар тузилиши мумкин. Бунда уларнинг фаолияти хусусий мулкка асосланган бўлади. Муассис сифатида ягона шахс иштирок этади ва у юридик шахс

⁴⁰ Каримов И.А. “Мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, ватанимизнинг обрў-эътиборини янада ошириш йўлида меҳнат қилиш – муқаддас бурчимиз”. Тошкент вилояти халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи, 2013 йил 4 апрель.

⁴¹ Хўжалик (тадбиркорлик) ҳукуқи. Дарслик. -Т.: Адолат, 2007. 54-б.

тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда у тузган корхонани бевосита ўзи бошқариши ёки шартнома асосида ижрочи директор ёллаши мумкин. Кичик бизнес субъектларининг аксарияти шу усул орқали вужудга келтирилади. Унинг таъсис ҳужжати эса мулкдор тузган уставдир. Мисол учун тадқиқот объекти бўлган хусусий корхона, ягона шахс тузган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият, очик акциядорлик жамияти шулар жумласидандир.

2006 йил 18 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”⁴²ги ЎРҚ-51-сон Қонунига мувофиқ, фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Фаолиятнинг асосий тури сифатида фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда бевосита манба бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”⁴³ги Низом ҳисобланса, фаолиятнинг лицензияланмайдиган турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини белгиловчи ҳуқуқий ҳужжат бўлиб эса, 2006 йил 24 май ПҚ-357-сон Қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида”⁴⁴ги Низом ҳисобланади. Уларда тадбиркорлик субъектларини айти пайтда давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида ва инспекцияларда давлат рўйхатидан ўтказиш

⁴² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 370-модда.

⁴³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон, 130-модда.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 174-модда.

белгиланган. Ушбу рўйхатдан ўтказувчи органларни қатъий деб айтиб бўлмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги “Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”⁴⁵ги 413-сон қарорига асосан, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахсининг яшаш жойи бўйича унинг ўзи шахсан келгани ҳолда давлат солиқ инспекциясида амалга оширилади.

1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”⁴⁶ги Қонунга асосан, банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар ҳамда рўйхатга олиш тартиби ва шартлари Марказий банк томонидан белгиланади. Демак, республикада тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи 4 та орган мавжуд. Булар ичида хусусий корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бўлиб, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги инспекциялар ва кам ҳолларда адлия органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁴⁷ги ПҚ-1529-сонли қарорида инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараварига тенглиги кўрсатилган.

Хусусий корхона тузиш истагидаги мулкдор юқоридаги низомларга асосан дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 34-35-сон, 395-модда.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда.

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 224-модда.

базасида сўраб олинadиган қулай фирма номларини захирага олиш электрон талабнома асосида сўралаётган фирма номининг 5 тагача муқобил вариантини кўрсатган ҳолда Интернет тармоғи орқали кечакундуз мурожаат қилиши мумкин. Фирма номини захирага олиш учун электрон талабномани олгач, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг масъул ходимлари фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан, 4 иш соатидан ошмаган муддатда, қулай фирма номини захирага олиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширадилар. Электрон талабномани қабул қилиш ва қулай фирма номларини захирага олиш учун тўлов ундирилмайди. Захирага олинган фирма номининг амал қилиш муддати захирага олиш санасидан бошлаб 60 кунни ташкил қилади, яъни шу вақт ичида хусусий корхона таъсисчиси рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилиши керак.

Қулай фирма номи захирага олингач, рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар тайёрланади. Уларга таъсис ҳужжати лойиҳаси, яъни устав шунингдек, муҳр ва штамп эскизларини тайёрлаш киради. Уларни тайёрлаш муассиснинг хоҳишига кўра, ўзи томонидан ёки шартнома асосида Савдо-саноат палатаси, консалтинг фирмалари ва бошқа шахслар томонидан амалга оширилади. Шундан сўнг, рўйхатдан ўтказиш учун инспекцияга муассиснинг шахсан ўзи келиб ёки почта орқали ариза тақдим этади. Аризада хусусий корхона тўғрисидаги асосий маълумотлар: унинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, ходимлар сони, асосий фаолият тури, почта манзили, раҳбарнинг фамилияси, исми, шарифи ва бошқалар кўрсатилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

- 1) давлат тилидаги хусусий корхона уставининг икки асл нусхаси;
- 2) давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

3) фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль;

4) икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари.

Ариза берувчи инспекцияга хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда ёки расмийлаштирмасдан мурожаат қилиши мумкин. Инспекция томонидан рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар берилганлиги учун ваколатли органлар хизматларига ҳақ тўлаш фақат инспекция орқали амалга оширилади.

Инспекциянинг масъул ходимлари тақдим этилган ҳужжатлар асосида хусусий корхонага Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг идоравий сайтларидан фойдаланиб Интернет тармоғидан олинган СТИР ва ХТУТ кодларини беради. Инспекция ариза-хабарнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар олинган вақтдан бошлаб 2 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда хусусий корхона муассисига ёки у вакил қилган шахсга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, тасдиқланган устав, муҳр ва штамп эскизларини беради. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни давлат реестрига киритади.

Инспекция давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир кун мобайнида хусусий корхона ҳақидаги давлат реестридан олинган маълумотларни у жойлашган жойдаги статистика ва солиқ органларига юборади. Солиқ органлари маълумотларни олгач икки кун муддатда юридик шахсни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, иш билан таъминлаш жамғармаси ва йўл жамғармасига суғурта бадаллари тўловчи сифатида ҳисобга қўяди, унга солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради ва уни статистика, инспекцияга расман маълум қилади. Статистика органлари эса хусусий корхонани корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистрига киритади.

Давлат рўйхатига олиш билан бирга рухсат берувчи ҳужжатларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш инспекция томонидан таъминланади. Буларга объектларни куриш, қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш, турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш ва бошқа ҳаракатлар учун рухсат берувчи ҳужжатларни олиш ва йиғиш киради. Барча зарур ҳужжатлар тайёрлангач, инспекция бошлиғи рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани хусусий корхона раҳбарига беради.

Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш якунлангач, у тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун мажбурий тартибда банкда ўз фаолияти учун зарур бўлган ҳисоб рақамлари очади. Банкда ҳисоб рақамлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1) очиладиган ҳисоб рақамлари турлари кўрсатилган ҳолда ариза;
- 2) давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- 3) раҳбар, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаришни амалга оширувчи шахснинг имзолари намуналари ва думалоқ муҳр босма изларининг икки нусхаси;
- 4) таъсис ҳужжат (устав)ининг нусхалари.

Аризани кўриб чиқиш ва банк томонидан ҳисоб рақами очиш муддати кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар олинган кундан бошлаб икки банк кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Агар хусусий корхона қонунларда лицензия олиниши шарт бўлган фаолият билан шуғулланмоқчи бўлса, тегишли тартибда лицензиялар олиш учун мурожаат қилади. “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”⁴⁸ги Қонунга асосан, Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда.

Уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги 222-II-сон қарори билан белгиланган. Юқоридаги қонунга кўра, Вазирлар Маҳкамаси қонунда назарда тутилган ҳолларда лицензияловчи органларни ва фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш юзасидан инспекцияларга кўплаб аризалар берилган. “Жумладан, 2011-2012-йилларда инспекцияларда 300 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган, солиқ ва статистика органларида ҳисобга кўйилган ҳамда тадбиркорларнинг мурожаатлари бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилган”⁴⁹.

Шундай бўлсада, ҳозирда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишга оид турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони кўплиги рўйхатдан ўтказувчи органларга ҳам, тадбиркорларга ҳам муайян қийинчиликлар туғдиради. Бу ҳақда илмий адабиётларда олимлар куйидаги фикрларни билдирганлар: “Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни бевосита тартибга солувчи 5 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат амал қилмоқда. Шунингдек, давлат рўйхатига олиш масаласини у ёки бу даражада тартибга солишга қаратилган яна 40 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд. Бир масалага оид бир неча қонун ҳужжатининг амал қилиши, уларнинг талабларини турлича талқин этилишига ҳамда улар ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Хорижий тажрибани ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, бир қатор мамлакатларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш масаласи алоҳида қонун мақомидаги ҳужжат билан тартибга солинади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳам тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олишни тартибга солувчи

⁴⁹ Қаюмов Б. “Тадбиркорлик субъектлари уларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ютуқ ва муаммолар” // Ҳуқуқ ва бурч журналы, 2013 йил 04/88-сони, 29-б.

конуности хужжатларини бекор қилиб, бу соҳадаги тартиб-қоидаларни ихчамлаштирган ҳолда ягона қонун “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги Қонунда мужассамлаштирилиши мақсадга мувофиқдир”⁵⁰. Ҳозирда ушбу қонун лойиҳаси устида мутасадди идоралар иш олиб боришмоқда. Ўйлаймизки, мазкур қонун яқин вақтлар ичида ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилади.

Хусусий корхоналарни қайта ташкил этиш Фуқаролик кодексининг 49-моддасига биноан, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклларида унинг муассисининг қарорига мувофиқ амалга оширилади. А.Шукуруллаевнинг фикрича, “Қайта ташкил этиш, илгари мавжуд бўлган корхонанинг бекор қилиниши ва янги ҳуқуқ субъекти сифатида тадбиркорлик фаолиятини давом эттирилиши демакдир. Корхона, у ёки бу маънода бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар олувчиси (янги ҳуқуқ субъекти), янги юридик шахс томонидан амалга оширилади (эҳтимол, мулк шакли, фаолият мақсади ва предмети ҳамда уставини ўзгартирган ҳолда). Тугатишдан фарқли ўлароқ, қайта ташкил этишда мулк сақланади, хўжалик ва мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам мавжудлигини йўқотмайди. Ишлаб чиқариш таркиби ҳам ё қисқарган, ёки йириклашган ҳолда фаолиятини давом эттиради”⁵¹.

Бугунги кунда хусусий корхоналар ихтиёрий, мажбурий ва банкротлик ҳолатларида тугатилмоқда. Ихтиёрий тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2007 йил 27 апрелда қабул қилинган ПҚ-630-сонли Қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”⁵²ги Низом билан тартибга солинади. Хусусий корхоналарни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор унинг муассиси томонидан қабул қилинади. Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб

⁵⁰ Азизов Х.Т., Ширинов Ж., Бакаев Ш. “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш”. -Т.: Академия, 2013. 101-б.

⁵¹ Шукуруллаев А.Х. “Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиниши”: ю.ф.н. ...дис. -Т.: 2001. 43-44-бетлар.

⁵² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 17-18-сон, 179-модда.

хусусий корхона ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Рўйхатдан ўтказган органнинг тегишли давлат реестрига бу тўғрида ёзувлар қайд этилгандан кейин хусусий корхона тугатилган ҳисобланади.

Молия-хўжалик фаолиятини олти ой мобайнида амалга оширмаётган корхоналарни, банк ҳисобварақлари бўйича уч ой мобайнида операцияларни ўтказмаган савдо, савдо-воситачи корхоналарни, шунингдек қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон Қарорига илова қилинган “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”⁵³ги Низом белгилаб беради. Унга асосан, хусусий корхоналарни тугатиш учун корхона муассисининг қарори (ихтиёрий тугатиш) ва хўжалик суди қарори (уларнинг муассиси уларни тугатишга рози бўлмаган, шунингдек кўрсатиб ўтилган шахс турар жойини аниқлаш ва уларни тугатиш жараёнига жалб этишни таъминлаш мумкин бўлмаган ҳолларда) асос бўлиб ҳисобланади.

Тугатиш жараёнини адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган хусусий корхоналар бўйича - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан; шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган ХКлар бўйича - инспекция комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Банкротга учраган хусусий корхоналарни тугатиш тартиби 2003 йил 24 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 35-модда.

“Банкротлик тўғрисида”⁵⁴ги Қонунига асосланади. Унинг 4-моддасига асосан, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади. Хусусий қорхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги иш қўрилаётганда қузатув, суд санақияси, қелишув битими, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш таомиллари қўлланилади.

Хусусий қорхона – бу мулкдорга бизнесдан осонгина чиқиш имкониятини берувчи ташкилий-ҳуқуқий шаклдир. Мулкдор ўзига тегишли бўлган қорхонани сотиши, совға қилиши ёки бошқа усул орқали уни бошқаларга тасарруф этиши мумкин⁵⁵. Бошқа усул орқали тасарруф этишга қорхонани ижарага беришни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, ягона мулкдор бошқарувидаги қорхонани тугатиш бошқа бир нечта таъсисчи иштирокида тузиладиган тадбиркорлик субъектларига нисбатан тез амалга оширилади.

1.3. Хусусий қорхоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда Президентимиз И.Каримов томонидан илгари сурилган “ўзбек модели” деб номланувчи машҳур беш тамойил дастуриламал бўлиб келмоқда. Чунки бозор муносабатларида иқтисодиётнинг биринчи ўринга қўйилиши ва сиёсатдан устунлиги, ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани бугунги кунда ўз самарасини намоён этмоқда. Бу

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 63-модда.

⁵⁵ Пугач И.Л. “Кичик ва оилавий бизнес: ташкил этиш ва ривожлантириш”. Тадбиркорлар учун қўлланма. 2012. 9-б. Рус тилидан ўзбек тилига таржима. // www.ced.uz

ислохотлар негизда хусусий корхоналар ҳам, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳам тобора ривожланиб бормоқда.

Хусусий корхона ягона мулкдорнинг мулки негизда ташкил этилишини ҳисобга олсак, Президентимизнинг қуйидаги фикрлари бевосита хусусий корхоналарга ҳам тегишли эканлигини англаш қийин эмас: “Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустақамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир”⁵⁶.

Хусусий корхонага оид ҳуқуқий ҳужжатлар мустақиллик арафасида ва ундан сўнг пайдо бўла бошлади. Унинг илк “куртаги” сифатида бевосита 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”⁵⁷ги Қонун ва унда мулк шакли сифатида хусусий мулкнинг белгиланиши билан боғлиқ эди. Мустақилликкача бўлган қонунчиликнинг шахсий мулк шакли ва унинг фақат фуқаронинг ўз меҳнати билан ишлаб топган шахсий даромадларидан ва истеъмол характердан иборат бўлишига оид, хусусий мулкни “буғиб қўйган” нормаларидан аста-секин воз кечиш жараёни бошланди. Республикада иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилди. Мулк ҳақиқий эгаларини топа бошлади. “Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг кўпукладли иқтисодиёти таркибида давлат мулки, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглигини эътироф этган ҳолда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда

⁵⁶ Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”.-Т.: Ўзбекистон, 2010. 48-б.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 31-33-сон, 372-модда.

хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилади ва унинг ишончли конституциявий кафолатлари таъминланади”⁵⁸.

1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонунлар⁵⁹ (1999 йил ва 2000 йилларда кучини йўқотган) қабул қилинди. “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига биноан, корхона – бу ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади. Қонуннинг 2-моддасида корхонанинг тури сифатида жисмоний шахсларнинг хусусий мулкига асосланган корхоналар иш олиб бориши мумкинлиги белгиланди.

Юқоридаги қонунлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги 85-сонли қарори асосида “Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида”⁶⁰ги Низом тасдиқланди (Низом 1995 йилда кучини йўқотган). Ушбу Низомда бевосита, биринчи марта тадқиқот объекти бўлган хусусий корхона, унинг ташкил этилиши ва фаолияти тўғрисидаги қоидалар ўз аксини топди. Унда тадбиркорларнинг хусусий мулкчилигига асосланган корхона хусусий корхона эканлиги, унинг юридик шахс ҳисобланиши ва мустақил балансга, муҳрга, ҳисоб-китоб счётига эга бўлиши қайд этилди. Уларни давлат рўйхатига олиш зарур ҳужжатлар билан ариза берилган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга

⁵⁸ Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилidir”. -Т.: Ўзбекистон, 2010. 24-б.

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон, 60-модда.

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1992 й., 2-сон, 3-модда.

оширилиши белгиланди. Низомда ҳозирги кунда амалда бўлган қонунчиликдан фарқли равишда яна қуйидагилар ҳам белгиланди:

- хусусий корхона мулкдорга хусусий ва шахсий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган ўз мулки билан мажбуриятлар бўйича жавоб беради;

- хусусий корхона эгаси ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мустақилликка эга бўлади. Хусусий корхонани бошқаришни унинг эгаси ташкил қилади. (Бошқарувчини меҳнат шартномаси асосида ёллаши мумкин - бу жиҳатидан ҳозирги қўшимча масъулиятли жамиятга ўхшаб кетади);

- корхонанинг даромадларига корхона эгасининг шахсий даромадлари сифатида қаралади ва тегишли қонунга мувофиқ солиқ олинади.

Булардан ташқари хусусий корхонадаги ёлланма ходимлар сонига ҳам чеклашлар мавжуд бўлиб, саноатда ва қурилишда - 200 кишигача; ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида - 50 кишигача; ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида - 25 кишигача; чакана савдода - 15 кишигача бўлиши белгиланган. Ҳозирги кунда хусусий корхона фаолиятига бундай чеклашлар белгиланмаган, фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁶¹ги ПФ-4609-сонли Фармонида асосан, 2014 йилнинг 1 июлидан қуйидагилар кичик тадбиркорлик субъектлари тоифасига киритилиши белгиланди:

- якка тадбиркорлар;

- ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда йигирма нафардан, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — ўн нафардан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида — беш нафардан ошмайдиган ишчи ходимларга эга бўлган микрофирмалар;

- қуйидаги соҳаларда йилига ўрта ҳисобда иш билан банд бўлган:

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 15-сон, 163-модда.

- енгил, озиқ-овқат ҳамда қурилиш материаллари саноатида — икки юз нафардан;

- металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик ҳамда мебель саноатида — юз нафардан;

- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш — саноат соҳасида — эллик нафардан;

- илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — йигирма беш нафардан ошмайдиган ходимга эга бўлган кичик корхоналар.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши натижасида мулкка бўлган муносабатнинг ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг конституциявий принциплари белгиланди.

1995 йил 5 январда Президентимизнинг “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”⁶²ги ПФ-1030-сонли Фармони қабул қилинди. Унга асосан, хусусий корхоналарда ёлланиб ишлайдиган ходимлар сони бўйича 1992 йилда белгиланган чеклашлар бекор қилинди. Хусусий корхона мулкдори Хўжалик судларига давлат божини олдиндан тўламасдан даъво аризалари киритиши белгиланди.

Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 14 февралда “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”⁶³ги 55-сон қарор (2004 йил кучини йўқотган) қабул қилди. Унда биринчи марта хусусий корхонанинг қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда бўлишлиги белгиланди. Унга асосан, ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра хусусий корхона унитар корхона ҳисобланиши белгиланди.

⁶² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995 й., 4-сон, 51-модда.

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1995 й., 2-сон, 3-модда.

Хусусий корхоналарнинг ҳуқуқий асосларининг ривожланишида туб бурилиш ясаган норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги 257-I-сон қарори⁶⁴га мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартдан кучга киритилди. Кодексида юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ҳамда бошқа қоидалар белгиланди.

Иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар давомида 2000 йил 25 майда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”⁶⁵ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилингунга қадар республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва эркинлаштиришда, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлашда муҳим ўрин тутди. Бундай кафолатлар хусусий корхоналарни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Қонуннинг 39-моддасида хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган эди.

Хусусий корхоналарнинг янги босқичга чиқишида 2003 йилда ўтказилган қатор ислоҳотлар сабаб бўлди. 2003 йил 24 январ куни Президентнинг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”⁶⁶ги ПФ-1740-сонли Фармони қабул қилинди. Унда “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги белгиланди. Шу йилнинг 24 мартда “Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”⁶⁷ги ПФ-3226-сонли Фармон қабул қилинди. Унга асосан қишлоқ хўжалигида етакчи товар ишлаб чиқарувчи бўлган фермер хўжалиги юридик шахс сифатида, асосан хусусий корхона

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон.

⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда.

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 13-модда.

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 55-модда.

шаклида, кейинчалик улар турли шаклдаги кооперацияларга бирлашиш ҳуқуқи билан барпо қилинадиган бўлди.

Хусусий корхонанинг бевосита ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асос сифатида 2003 йил 11 декабрда Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ XIII сессиясида қабул қилинган “Хусусий корхона тўғрисида”⁶⁸ги Қонун ташкил этади. Қонун 2004 йил 23 январдан кучга кирди.

Қонунда хусусий корхоналарнинг қуйидаги асосий белгилари ифодаланди ва улар бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардан хусусий корхоналарни ажратиб берди:

- хусусий корхона ягона жисмоний шахс томонидан тузилади;
- хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди;
- хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан субсидияр жавобгар бўлади;
- хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка ўзи бошқаради;
- хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади, унга солиқ солинмайди.

“Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонун қабул қилингач шу вақтгача 4 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қонуннинг 25-моддасидаги хусусий корхона фаолиятини текшириш чекланганлигига оид нормага 2006⁶⁹ ва 2011⁷⁰ йилларда ўзгартириш киритилган бўлса, 2007⁷¹ йилда 24-модданинг 1-қисмидаги солиқ солишга оид норма чиқариб ташланди. Ва

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 8-модда.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 12-13-сон, 100-модда.

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 374-модда.

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 533-модда.

сўнги ўзгариш 2012⁷² йилда 19-модданинг 2-қисмига хусусий корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ ўзгариш мисолида киритилди.

2012 йилда тадбиркорлик соҳасида амалга оширилган муҳим ўзгаришлар сифатида 2012 йил 2 майда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”⁷³ги янги таҳрирдаги ва 2012 йил 20 декабрда “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”⁷⁴ги қонунларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солишда уларнинг юридик кучи, мақоми ва хусусиятига қараб, биринчидан, умумий қонун ҳужжатлари (Фуқаролик кодекси, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун); иккинчидан, махсус, ихтисослашган қонун ҳужжатлари (“Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонун); учинчидан, қонун ости ёки муайян бир масалани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом)га бўлишимиз мумкин.

Хусусий корхоналарга оид хориж тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, бундай тадбиркорлик субъектлари бир қатор чет эл мамлакатлари қонунчилигида мустаҳкамланган. Россия Федерацияси (РФ)да 1990-йилларда корхона шаклларида бири сифатида индивидуал (оилавий) хусусий корхоналар эътироф этилади. “Бундай корхоналар фуқаролар хусусий мулки асосида ташкил этилиб, иқтисодий ривожланган барча давлатларда корхонанинг бундай шакли мавжуд ва жамият иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Индивидуал хусусий корхоналарнинг

⁷² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 37-сон, 421-модда.

⁷³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда.

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 575-модда.

ташкил этиш осонлиги, тўлиқ фаолият эркинлиги, мустақиллиги, фаолият тезлиги ва бошқа шу каби имтиёзлари мавжуд”⁷⁵.

Лекин амалдаги РФ Фуқаролик кодексида бундай корхоналар юридик шахсларнинг тури сифатида қайд этилмаган. “Индивидуал хусусий корхона РФ Фуқаролик кодексининг 1-қисми кучга киргунча (1994 йил 8 декабрь) мавжуд бўлди. 1990 йил 25 декабрдаги “Тадбиркорлик фаолияти ва корхоналар тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, индивидуал хусусий корхона - фуқароларнинг мулк ҳуқуқи асосида ёки оила аъзоларининг умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида, агар улар ўртасидаги шартномада бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, ташкил этиладиган корхонадир. “Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмини амалга киритиш тўғрисида”ги Федерал қонуннинг 6-моддасига асосан, барча индивидуал (оилавий) хусусий корхоналар 1999 йил 1 июлгача хўжалик ширкатлари, жамиятлари ва кооперативларга алмаштирилди ёки белгиланган тартибда тугатилди”⁷⁶.

Украина қонунчилигида хусусий корхона шаклидаги юридик шахс назарда тутилади. Украина Фуқаролик ва Хўжалик кодекслари хусусий корхона фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Хусусий корхона фаолиятини тартибга соладиган махсус қонун йўқ. Украина Олий Радаси томонидан 2003 йил 16 январда қабул қилинган Хўжалик кодексининг 113-моддасига кўра, хусусий корхона - бир ёки бир нечта фуқаро, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахснинг хусусий мулки асосида уларнинг ўзлари ёки ходимларни ёллаш асосида фаолият юритувчи корхона. Хўжалик юритувчи субъект юридик шахс хусусий мулки асосида ҳам ташкил этилиши мумкин⁷⁷.

Изланишлар давомида шу маълум бўлдики, хусусий корхоналар фаолияти Хитой Халқ Республикаси ва Литва Республикаларида махсус қонун доирасида тартибга солинади. Хитой Халқ Республикасида бу каби

⁷⁵ Горфинкель В.Я., Поляк Г.Б., Швандар В.А. «Предпринимательство». -М.: Юнител, 1999. -с.56.

⁷⁶ <http://base.consultant.ru>

⁷⁷ Юқоридаги манба.

корхоналар 1999 йил 30 августда қабул қилинган “Индивидуал хусусий корхона тўғрисида”ги Қонун асосида фаолият юритса, Литва Республикасида 2000 йил 18 июлда қабул қилинган Фукаролик кодексида ва 2003 йил 6 ноябрда қабул қилинган “Индивидуал корхона тўғрисида”ги Қонунларида белгиланган.

Мамлакатимизда хусусий корхоналарнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берувчи қонунчилик нормаларининг ривожланишини, фикримизча, шартли равишда учга бўлишимиз мумкин:

Биринчи давр мустақилликкача бўлган давр. Бу даврда собиқ иттифокнинг маъмурий-бўйруқбозлик тизими шароитида “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда “Ўзбекистон ССЖ ҳудудидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар хусусий корхоналарнинг дастлабки ҳуқуқий асослари сифатида майдонга чиқди.

Иккинчи давр 1991 йил 31 августдан 2003 йилнинг 11 декабригача бўлган давр. Бу вақтда хусусий корхона ва унинг фаолиятига оид нормалар турли қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинди. Мустақиллигимизнинг дастлабки давларида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга давлатнинг таъсири сезиларли бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу мавжуд корхоналардаги хўжалик фаолиятини бирданига бузиб ташламасдан, ундан самарали фойдаланган ҳолда, янги хўжалик юритиш тизимини яратиш, яъни янгисини қурмай эскисини бузмаслик билан боғлиқ эди. Аста-секин хусусий корхоналар фаолиятини ривожлантиришга оид, эски бошқарув тизимидан узоқлашган, янги демократик руҳдаги, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларда давлат тасарруфидан чиқариш

ва хусусийлаштириш, тадбиркорларни рўйхатга олиш, улар фаолиятини тугатиш, иқтисодий рағбатлантириш, улар фаолиятига давлат аралашувини тугатиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида вужудга келадиган шартномавий муносабатлар тартибга солинди. Шундай бўлсада, хусусий корхона алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатида, унинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардан фарқ қилувчи белгилари қонун жиҳатдан аниқ белгиланмади. Натижада хусусий корхонага оид нормалар турлича талқин қилинди.

Учинчи давр бу 2003 йилнинг 11 декабридан ҳозиргача бўлган даврдир. Бу даврнинг энг биринчи аҳамиятли тарафи сифатида бевосита хусусий корхоналарни қонун даражасида тартибга солувчи “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва у орқали алоҳида, мустақил ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг пайдо бўлиши эди.

Биринчи боб юзасидан хулоса:

Юқоридагилардан хулоса сифатида қонунчиликни ва олимларнинг фикрларини таҳлил қилиш орқали хусусий корхоналарга қуйидаги илмий таъриф келтирилади: хусусий корхона - бу мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан ташкил этиладиган ва бошқариладиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича мулкдорнинг субсидиар жавобгарлигини вужудга келтирувчи тижоратчи юридик шахс.

Хусусий корхоналарга оид қонунчилик ривожланишини унга бўлишимиз мумкин:

- мустақилликкача бўлган давр, хусусий мулкнинг белгиланиши ва бозор иқтисодиёти тизимига ўтишни белгилаб берувчи қонунлар қабул қилинганлиги билан характерлидир;

- 1991 йил 31 августдан 2003 йилнинг 11 декабригача бўлган давр, хусусий корхона фаолиятига оид нормаларнинг турли қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиниши, хусусий корхоналар фаолиятини ривожлантиришга, уларни қўллаб-қувватлашга оид кўплаб меъёрий

хужжатлар қабул қилиниши ва турли давлат кафолатларининг белгиланиши билан белгиланди;

- учинчи давр бу 2003 йилнинг 11 декабридан ҳозиргача бўлган давр, унинг энг биринчи аҳамиятли тарафи сифатида бевосита хусусий корхоналар фаолиятини тартибга солишга оид махсус қонуннинг қабул қилиниши бўлди.

Хусусий корхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари уларнинг юридик кучи, мақоми ва хусусиятига қараб, қуйидагича таснифланди:

биринчидан, умумий қонун ҳужжатлари (Фуқаролик кодекси, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ва бошқалар);

иккинчидан, махсус, ихтисослашган қонун ҳужжатлари (“Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонун);

учинчидан, қонун ости ёки муайян бир масалани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқалар).

II БОБ. ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШИНING ТАРТИБИ ВА АСОСЛАРИ

2.1. Хусусий корхоналарнинг мулкый асослари ва уни бошқариш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин деб белгиланган бўлса, 54-моддасида эса мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт эканлиги мустаҳкамланди.

Булар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган шахсларга ва тадбиркорларга берилган муҳим конституциявий кафолат бўлиб ҳисобланади. Давлатимиз тараққиётининг муҳим воситаси ҳисобланган тадбиркорлик фаолияти фақатгина қонун ҳужжатлари орқали яратилаётган кафолатлар ва имтиёзлар билан амалга ошавермайди. Уни амалга оширмоқчи бўлган шахсдан маълум билим, лозим бўлса амалий тажриба ва албатта, моддий база бўлишлиги талаб этилади.

Ҳар қандай амалий фаолиятни зарур воситаларсиз – фан-техника, пул воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу воситаларнинг ягона мулкка жамлаштирилиши ва бошқа шахслар мулкидан ажратилиши

юримдик шахсининг мулкий мустанақиллиги ҳисобланади. Ажратилган мулк юримдик шахсни тузиш вақти, яъни устав капиталини белгилаш билан юзага келади. Барча мулк унинг мустанақил балансида бўлиб, мустанақил ҳаракат сметасига кўра ишлатилади⁷⁸.

“Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида хусусий корхона мулкдор томонидан тузилиши, унга тегишли мол-мулк бериши ва унинг уставини тасдиқлаши белгиланган. Муассис корхонанинг устав фондини шакллантириш мақсадида топширган мол-мулк унинг балансига ўтгандан сўнг, хусусий мулк асосида хусусий корхонага тегишли бўлади. Хусусий корхона бирор ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширган ҳолда товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ушбу мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Бундан ташқари корхона фаолиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келган ёки сотиб олган мол-мулклар ҳам мулк ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлади. Лекин Е.А.Сухановнинг фикрича, муассис юримдик шахс устав фондига киритган ўз улушига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини олади⁷⁹. Яъни, хусусий корхона тугатилаётган пайтда унинг муассиси устав фондига қўйилган капитални қайтариб олиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди. Пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқларга фирма номи, товар, хизмат кўрсатиш белгиси, ишчанлик обрўси, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар киради. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустанақил баҳолайди. Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда

⁷⁸ Караходжаева Д. “Юримдик шахс институти” // “Ҳаёт ва қонун” журнали, 2004 йил 4-сон, 21-б.

⁷⁹ Гражданское право. Отв. ред. Е.А.Суханов -М.: Бек, 1998. –С. 518.

мулкдор ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Хусусий корхона устав фондининг энг кам миқдори қонун чиқарувчи томонидан белгиланмаган ва буни ҳал қилишни мулкдорга қолдиради. Бундан кўзланган мақсад тадбиркорликни ривожлантириш учун хусусий корхонани тузишда ҳар қандай миқдордаги мол-мулк билан бошлаш имконияти билан боғлиқ. Академик Ҳ.Р.Рахмонқулов юридик шахс ижарага мулк олиш орқали ҳам ўз мустақил мол-мулки бўлмасдан ташкил этилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади⁸⁰. Бундан хусусий корхона ҳам мустақил мол-мулксиз, ижара асосида фаолиятини бошлаши мумкин деган хулоса қилмаслигимиз керак. Чунки “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига кўра, хусусий корхона уставида корхона устав фондининг миқдори кўрсатилиши керак. Бирор фирма тузиб, уни самарали юритиш учун камида яхшигина сармоя бўлишлиги талаб этилади. Хусусий корхонадан бошқа юридик шахсларда, хусусан кичик тадбиркорлик субъекти оилавий корхонанинг устав фонди энг кам иш ҳақининг ўн баравари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав фондининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ баравари, ширкатларда энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари ва йирик тадбиркорлик субъекти ҳисобланмиш акциядорлик жамиятлари учун тўрт юз минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги белгиланган. Фикримизча, хусусий корхоналарда ҳам устав фондининг энг кам миқдорини белгилаш лозим. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишда асосий куч ҳисобланувчи фермер хўжаликларининг хусусий корхона ташкилий-ҳуқуқий шаклида рўйхатдан

⁸⁰ Рахмонқулов Ҳ.Р. О понятии юридического лица. // Хўжалик ва ҳуқуқ журнали, 2003 йил 6-сони, 62-65-б.

ўтишини ҳисобга олсак, тендерда камида қандай мулк билан қатнашиш лозимлигига аниқлик киритилган бўлар эди.

Хусусий корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайитириш мулкдорнинг қарорига кўра хусусий корхонанинг уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади. Уставга киритилган ўзгартириш белгиланган божни тўлаб, давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб, учинчи шахслар учун кучга эга бўлади.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, Қонуннинг 15-моддасида, тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳуқуқларнинг белгиланиши, ўзгартирилиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин⁸¹.

Худди шу каби хусусий корхона ҳам тадбиркорлик фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш учун керакли хом-ашёни сотиб олиши ва ўзи ишлаб чиқарган товарни реализация қилиши ёки турли усулларда ўз эҳтиёжи учун моддий ва номоддий мулкларни балансига киритиши ёки балансидан чиқариши мумкин. Иккинчи тараф билан кредит, қарз муносабатларида, учинчи шахслар иштирокидаги муносабатларда ўзининг кўчар-кўчмас мулкани ва бошқа ҳуқуқларини гаровга қўйиши ёки аксинча, гаровга олиши мумкин. Ижара муносабатларида хусусий корхона ҳақ эвазига мол-мулкани вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага олувчиларга бериши мумкин ёки ўз фаолияти учун керак бўладиган техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ижарага олади. Шунингдек, Фуқаролик кодексида назарда тутилган олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контракция, айирбошлаш, ҳадя, рента, пудрат, қарз ва

⁸¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил 18-сон.

кредит каби шартномалар тузиш орқали тадбиркорлик фаолиятини юритади.

“Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасида, мулкдор корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақлар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради, дейилган. Мулкдорнинг корхона раҳбарини ёллаш олмаслик қоидаси хусусий корхонанинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардан ажратиб туради. Ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Германия, Англия, Франция, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларда ташкил этилган хусусий корхоналарнинг мулкдори уни ўзи бошқариши керак. Бу борада Хитой қонунчилигида бошқача қоида белгиланган.

Хитой Халқ Республикасининг “Индивидуал хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасига кўра, индивидуал хусусий корхона таъсисчиси корхонани мустақил бошқаришга ҳақли, шунингдек корхона бошқарувини ишончнома асосида тўла фуқаролик ҳуқуқий лаёқатга эга шахсга топшириши мумкин. Ёлланган директор ўз ишини ёзма шартномада белгиланган ваколати доирасида виждонан ва эҳтиёткорлик билан бошқариши керак⁸².

Акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятларда, хўжалик ширкатларида ва оилавий корхонада умумий йиғилиш уларнинг бошқарув органи ҳисобланади. Мазкур юридик шахс таъсисчилари (оилавий корхона бундан мустасно) ижро бошқарувини юритиш учун директор ёллаши мумкин. Хўжалик ширкатларида бу бир оз мушкул бўлса-да, лекин “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонунда бунга рухсат берилган. Оилавий корхонада эса унинг жорий фаолияти

⁸² <http://www.pavel.bazhanov.pro>

иштирокчилардан бири томонидангина бошқарилиши кераклиги ҳақидаги норма мавжуд бўлишига қарамай, унинг юқори бошқарув органи иштирокчиларнинг умумий йиғилиши бўлиб қолаверади. Хусусий корхонанинг бу ўзига хослиги юзасидан Л.Мадумаров ва Ф.Хасановлар қуйидагиларни билдиради: “Айнан мана шу жиҳатлари учун хусусий корхона бозор иқтисодиёти шароитига тез мослашиб кета оладиган муҳим тармоқ сифатида кўзга ташланади. Яъни, у шароитдан келиб чиққан ҳолда, унга мос тарзда ҳаракат қила олади ва бунда ўзига хос тезкорликка эга бўлади”⁸³. Ж.Рўзиев эса “АҚШда тадбиркорлик: ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар” китобида қуйидагиларни ёзади: “якка тартибда корчалонлик қилиш тадбиркорликни йўлга солиб юборишнинг энг оддий шакли бўлиб, бутун ишни бир одам олиб боради. Лекин бу ҳамма ишни бир киши қилади, деган маънони билдирмайди. Якка ҳолдаги корчалонликка асосланган корхонада жуда кўп ёлланган ишчилар меҳнат қиладиган жойлар бор. Агар ишни бир киши олиб борса, демак, у соҳибкор ҳисобланади. Соҳибкор назорат қилади, бутун масъулиятни ўз зиммасига олади ва тушган даромадни ҳисоблаб туради. Тадбиркорликни йўлга қўйишнинг мазкур шакли бир қанча афзалликларга эга, яъни:

- тижорат фаолиятини ҳеч бир шартномасиз, фақат ўз қарорига кўра бошлаш мумкин;
- корчалоннинг ўзи қабул қиладиган қарор шахсий қарор бўлиб, у шерикка ҳам, директорлар кенгашига ҳам боғлиқ бўлмайди;
- бундан ташқари кочалон фақат ўз қарори учун жавоб беради ва шунга асосланиб иш тутаяди;
- якка ҳолдаги корчалонликдан вақти-вақти билан ҳисобот талаб қилинмайди, ваҳоланки, тадбиркорликни йўлга қўйишнинг бошқа шаклларида, айниқса корпарацияларда, шундай ҳисоблар тақдим этиб турилади;

⁸³ Мадумаров Л., Хасанов Ф. “Хусусий корхона – юридик шахс сифатида”. -Т.: ТДЮИ, 2009. 33-б.

- корчалон тижорат фаолиятини ўз хоҳишига кўра истаган жойда амалга ошираверади. Бундан корпорация олдида турли муаммолар пайдо бўлмайди. Ваҳоланки, корпорациядаги савдо-саноат ходимларининг активлиги бошқа штатларда тадбиркорликни олиб бориш талабларига мос бўлиши ва корпорация шу ҳуқуқи учун муайян солиқ ва йиғимлар тўлаши керак бўлади⁸⁴.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда яна шуни айтиб ўтиш мумкинки, хусусий корхонани тузишдан кўзланган мақсадга етиш учун бошқа шахсга нисбатан унинг эгаси масъулият билан ҳаракат қилади. У ўз мулкига нисбатан мулкдорлик ҳисси билан ёндашади ва у ўз мулкининг энг яқин тасарруфчиси сифатида шартнома муносабатларига ҳам тез киришиб кетади. Хўжалик фаолиятини ёлланма директор орқали амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларида директор бирор масала юзасидан унинг таъсисчиларини розилигини олиши маълум вақт талаб қилади.

Хусусий корхона мулкдори унинг уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, хусусий корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, хусусий корхонанинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдасидан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш, хусусий корхонага тегишли мол-мулкни бошқа шахсга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахсларнинг устав фондига ҳисса сифатида киритиш ёки ушбу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этиш ҳуқуқларига эга бўлгани ҳолда, устав фондини шакллантириши ва ўзига қарашли корхонани якка бошқариши шартлиги унинг мажбурияти сифатида юзага чиқади.

Хусусий корхона мулкдори ўзи вақтинчалик бўлмаган тақдирда, яъни соғлиғи ҳолатига кўра таътил ёки дам олишдалиги, чет элга кетганлиги ва бошқа ҳолатларда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма

⁸⁴ Рўзиев Ж. “АҚШда тадбиркорлик: ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар”. -Т.: Фан, 1991. 7-8-бетлар.

қарор қабул қилади. Бундан шу аён бўладики, хусусий корхонада ҳам бошқариш бошқа шахсга вақтинчаликка ўтиши мумкин. “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунда вақтинчалик сўзига аниқлик киритилмаганлиги сабабли унинг аниқ муддатини белгилаш қийин. Лекин шу билан бирга, хусусий корхона мулкдори муваққат раҳбарнинг хусусий корхона мол-мулкани тасарруф этишга оид ҳуқуқини чеклаб қўйиши мумкин.

Шунингдек, қонуннинг 17-моддасига биноан, вафот этганлиги, муомалага лаёқатсизлиги, муомала лаёқати чекланганлиги ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги оқибатида мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда хусусий корхонани бошқариш фуқаролик қонун ҳужжатларига ва хусусий корхонанинг уставига мувофиқ амалга оширилади. Фуқаролик кодексида фуқарони вафот этган деб эълон қилиш факти белгиланган. Фикримизча, ушбу фактни ҳам мазкур моддага қўйиш лозим.

2.2. Хусусий корхоналар иштирокидаги шартномаларнинг ҳуқуқий табиати

Республикамызда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни ривожлантириш, уларни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлаштириш, яъни Президентимиз И.Каримов сўзлари билан айтганда, шартнома тузиш маданиятини, шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтаришимиз керак.

Маълумки шартномалар ҳамда бошқа битимлар юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкый, номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келишининг асосларидан бири ҳисобланади. Шу боис,

тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда шартнома асосий ҳуқуқий восита саналади⁸⁵.

Албатта, шартнома кенг маънода иқтисодий муносабатларни ҳам тартибга солувчи воситадир. Шу маънода хусусий корхоналарнинг ҳам ўзга тадбиркорлик субъектлари билан иқтисодий алоқаларини ўрнатишнинг ҳуқуқий шакли шартномалар ҳисобланади. Улар ҳўжалик шартномалари тузишда умумий қоидага асосан, шартномалар тузишнинг эркинлиги, тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартнома интизомига риоя этиш ва тарафларнинг ўзаро мулкӣ жавобгарлиги каби принципларга таянади. А.В.Шестаковнинг фикрича, шартномавий муносабатлар корхона фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Хусусий корхонанинг барча фаолияти шартномаларни ижро қилиш жараёнига қаратилган бўлиши лозим⁸⁶.

Хусусий корхоналарнинг шартномавий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида”⁸⁷ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”⁸⁸ги ПФ-1938-сонли Фармони ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Хусусий корхоналар томонидан тузиладиган шартномага кўра, тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олса, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

⁸⁵ Рўзиев Р. “Тадбиркорлик фаолиятида шартноманинг аҳамияти ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш масалалари” // “Хўжалик ва ҳуқуқ” журнали, 1999 йил 8-сон, 41-б.

⁸⁶ Шестаков А.В. Коммерческое (торговое) право Российской Федерации. Учебное пособие. -М.: 2003. 246-б.

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда.

⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 3-сон, 43-модда.

И.Зокиров шартномаларни унда иштирок этаётган тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб бир томонлама, икки томонлама, кўп томонлама; уларни тузилиш пайти ва мазмунига қараб консенсуал ва реал ва бошқа тур шартномаларга бўлади⁸⁹.

Б.Ибратов тадбиркорлик соҳасидаги шартномаларни 1) товар ишлаб чиқариш ва топшириш; 2) ишларни бажариш; 3) хизмат кўрсатиш каби турларга бўлади⁹⁰.

М.Брагинский, В.Витрянскийлар эса қуйидаги мезонлар асосида шартномаларни туркумлайдилар: а) асосий ва қўшимча шартномалар; б) шартнома тарафлари ёки учинчи шахслар фойдасига тузилган шартномалар; в) дастлабки ва асосий шартномалар; г) ашёвий ва мажбурият шартномалари; д) айирбошлаш (бошма-бошига) ва таваккалчиликка асосланган (алеатор) шартномалар⁹¹.

Хусусий корхоналар томонидан тузиладиган шартномаларни хусусиятига қараб қуйидагича таснифлаш мумкин:

Биринчи гуруҳга кирадиган шартномаларни савдо шартномалари деб аташ мумкин. Буларга олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контракция шартномаларини киритиш мумкин.

Иккинчи гуруҳга воситачилик шартномалари киради.

Учинчи гуруҳга савдони амалга оширишга кўмак берувчи шартномалар кириб, унга реклама ва ахборот хизматларини кўрсатиш шартномалари киради.

Тўртинчи гуруҳга ташкилий шартномаларни ажратиш мумкин.⁹²

Қоидага кўра, хўжалик шартномаси тадбиркорлик субъектларидан бирининг оферта йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши билан тузилади.

⁸⁹ Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. 1-қисм. -Т.: ТДЮИ, 2006. 365-366-б.

⁹⁰ Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. -Т.: Молия, 2001. 144-б.

⁹¹ Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. -М.: Статут, 2003. -с. 411.

⁹² Шестаков А.В. Коммерческое (торговое) право Российской Федерации. Учебное пособие. -М.: 2003. - с.254-255.

Бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузганлигини ифода этадиган таклиф оферта дейилади⁹³. Оферта олган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби эса акцепт ҳисобланади. Тарафлар шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришсалар, хўжалик шартномаси тузилган ҳисобланади.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунга биноан, хўжалик шартномаси шартнома предметини, етказиб бериладиган товарнинг миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини, шартноманинг бажарилиш муддатларини, ҳисоб-китоб қилиш тартибини, тарафларнинг мажбуриятларини, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тартибини ҳамда тарафларнинг реквизи́тларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Шартномавий муносабатларни такомиллаштиришда шартномани бажариш тартиби алоҳида ўрин тутadi ва белгиланган норматив қоидалар билан тартибга солинади. Шартномани бажариш жараёни изчил амалга ошириладиган ҳаракатлар тизимидан иборат бўлиб, бу тизимни икки босқичга, яъни шартномани бажаришнинг моддий ва ҳуқуқий босқичларига ажратиш мумкин.

Шартномани бажаришнинг моддий босқичи иккита ўзаро боғлиқ ҳаракатлари: бир тарафнинг товарлари, бажарган ва кўрсатган хизмати натижаларини беришини ҳамда иккинчи тарафнинг бу нарсаларни қабул қилишни ўз ичига олади. Бу мажбуриятларни бажариш тартиби амалдаги қонунчиликда назарда тутилган талаблар доирасида қатъий белгиланади.

⁹³ Синдаров К., Турдибоев Ҳ. Тадбиркорлик шартномалари. -Т.: 2002. 28-б.

Шартноманинг бажариш муддати, жойи, шартнома баҳоси, шартномани бажариш усуллари ана шундай талаблар жумласидандир. Шунинг учун тарафлар шартнома тузишда вужудга келадиган ўз мажбуриятларини бажариш тартибини аниқ ва пухта, қонун талабларига мувофиқ равишда белгилашлари шарт.

Шартномани бажариш тартибининг иккинчи босқичи, яъни ҳуқуқий босқичнинг моҳияти шартнома бўйича бажарилган ишни, кўрсатилган хизматни, етказилган товарни сон ва сифат жиҳатдан текшириш, шунингдек, бу фактни ҳужжат билан тасдиқлашдан иборат⁹⁴.

“Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси 2-қисмига асосан, хусусий корхона битимлар тузишда эркиндир. Шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди. Шартнома эркинлиги хусусий корхона мулкдорига бирон-бир шартномани тузиш ёки тузмасликни, у тузиладиган бўлса, унинг мазмуни, шарти ва қоидалари қандай бўлишини ҳал этиш имкониятини беради. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 123-моддасига асосан, алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Шунингдек, битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилиши, юридик шахс томонидан унинг устав мақсадларига зид ҳолда тузилиши ёки тегишли фаолият билан шуғулланишга лицензияси бўлмаган юридик шахс томонидан тузилиши ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

⁹⁴ Рўзиев Р. “Тадбиркорлик фаолиятида шартноманинг аҳамияти ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш масалалари” // “Хўжалик ва ҳуқуқ” журнали, 1999 йил 8-сони, 42-б.

Хусусий корхоналар олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, мулк ижараси, пудрат, кредит, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ва бошқа шартномалар тузиш орқали ўз фаолиятини юритадилар.

Бозор муносабатлари шароитида олди-сотди шартномаси хусусий корхоналар ва бошқа тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларни расмийлаштиришнинг энг муҳим ҳуқуқий воситаларидан бўлиб ҳисобланади. Олди-сотди шартномасининг энг асосий белгиси - бу сотилган товарга нисбатан мулк ҳуқуқининг сотувчидан сотиб олувчига ўтишидир. Олди-сотди шартномаси, биринчидан ҳақ бараварига (сотиб олувчи товар эвазига сотувчига пул тўлайди) тузилади, иккинчидан консенсуал (тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартноманинг барча муҳим шартлари тўғрисида ўзаро келишилган ва шартнома тегишли шаклда расмийлаштирилган вақтдан бошлаб вужудга келади) шартномалар гуруҳига киради, учинчидан у икки томонлама шартнома (сотувчи ва сотиб олувчи) ҳисобланади.

Хусусий корхоналар ўз фаолиятини бошлаб олиши учун ҳамisha кредит маблағларига эҳтиёж сезадилар. Кредит шартномаси бўйича банк ёки бошқа кредит ташкилоти, яъни кредитор хусусий корхонага, яъни кредит олувчига шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари бериш, хусусий корхона эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Кредит шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган, консенсуал ва икки томонлама шартномадир. Хусусий корхоналар кредит маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиши, зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажариши лозим. Лекин амалиётда айрим хусусий корхоналарнинг ушбу мажбуриятларни бажара олмаслик ҳолатларини кузатмоқдамиз.

Масалан, “Қишлоқ қурилиш банки” ОАТБ Сурхондарё минтақавий филиали ҳамда “CHINOR BARAKA OMAD” хусусий корхонаси ўртасида 2009 йил 16 февралда тузилган 70-сонли кредит шартномасига асосан

“CHINOR BARAKA OMAD” хусусий корхонасига 100.000.000 сўм миқдорида кредит берилган. Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида “CHINOR BARAKA OMAD” хусусий корхонасига қарашли ошхона ва савдо дўкони гаровга қўйилган. “CHINOR BARAKA OMAD” хусусий корхонаси томонидан асосий кредит қарзи ва унинг фоизлари шартномада белгиланган муддатда ва тартибда қайтарилмаган. Оқибатда Ўзбекистон савдо саноат палатаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси банк филиали манфаатида хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар - “CHINOR BARAKA OMAD” хусусий корхонасидан жами 47.591.000 сўм қарзни гаровга қўйилган мол-мулк ҳисобидан ундиришни ва тарафлар ўртасида 2009 йил 16 февралда тузилган 70-сонли кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраган. Судга тақдим этилган ҳужжатларда кредит қарзи ва фоизи жавобгар томонидан тўлаб берилмаганлиги ўз исботини топган. Шу сабабли, суднинг ҳал қилув қарори билан даъвонинг кредит қарзи ҳамда кредит фоизи жавобгар – “CHINOR BARAKA OMAD” хусусий корхонасининг гаровга қўйган мол-мулклари ҳисобидан ундирилган.

Фуқаролик қонунчилигига кўра, шартнома тарафлар келишганда, тарафлардан бири шартнома шартларини жиддий равишда бузганда, шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазият жиддий ўзгарганда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Тарафлар ўртасида ихтилоф бўлмай, ўзаро келишган ҳолда шартнома бекор қилиниши қуйидаги учта омил мавжуд бўлсагина амалга ошади, биринчидан шартнома тузилган бўлиши лозим; иккинчидан шартномани бекор қилиш ҳақидаги келишув тарафлар ўртасида тузилган шартнома шаклига айнан мос келиши лозим; учинчидан қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан шартномани

бекор қилиш борасидаги тарафлар келишувига доир бошқача тартиб келиб чиқмаслиги лозим⁹⁵.

Тарафлардан бирининг шартномани жиддий бузиши уни бир тарафлама бажармасликка ва уни бекор қилиш ҳақида суд тартибида муурожаат этишга асос бўлади.

Тарафлар учун асос бўлган вазият жиддий ўзгариши дейилганда, вазиятнинг тарафлар олдиндан кўра билганларида шартномани умуман тузмасликлари ёки анча фарқ қиладиган шартлар билан тузишлари мумкин бўлган даражада ўзгариши тушинилади.

2.3. Хусусий корхоналар фаолиятини амалга оширишда солиқлар ва бухгалтерия ҳисоби масалалари

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши юзасидан муҳим қадамлар қўйилди. Бу борада давлатнинг солиқ сиёсати, солиқларнинг роли катта аҳамиятга эга бўлди. Иқтисодий муносабатлар даврида солиқлар, йиғимлар ва божхона тўловларини ўз вақтида ҳамда тўла амалга ошириш республика бюджетини вужудга келтиришда муҳим роль ўйнайди⁹⁶.

Шунинг учун ҳам ҳар бир фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар давлатга солиқ тўлаши асосида у билан алоқасини таъминлайди. Давлат эса ҳар бир солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектининг фаолиятини рағбатлантириб, ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишига ёрдам беради. Бунда қуйидаги тамойиллар асосида солиқларни ихчамлаштириш ва соддалаштириш муҳим аҳамиятга эга:

⁹⁵ Солиев С. “Шартномани бекор қилиш тартиби ва ҳуқуқий асослари” // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси, 2012 йил 9-сони, 43-бет.

⁹⁶ Тадбиркорлик ҳуқуқи: Дарслик (Умумий қисм), Муаллифлар жамоаси. -Т.: Консаудитинформ, 2002. 552-б.

Биринчи тамойил – корхоналардан солиқлар юкини камайтириб бориш, уларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш, инвестицияларга эга бўлиш, янги технологиялар ўрнатиш, корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кадрлар малакасини ошириш имкониятларига эга бўлишлари учун реал шарт-шароит яратиш.

Иккинчи тамойил – солиқларни корхоналар ва ташкилотларнинг даромадларидан эмас, балки уларнинг фойдаларидан олишга тўла ўтиш. Ислохотларнинг биринчи босқичида бундай солиқ жорий этиш учун ҳуқуқий ва ижтимоий шароитлар етишмас эди, улар ҳозир тайёрланган. Шунингдек, ҳозир фойдани солиқлардан яшириб қолиш каби иллатга қарши алоҳида маъмурий чоралар ишлаб чиқилганлиги ҳам бундай тамойилни қўллашга шароит туғдирмоқда.

Учинчи тамойил – давлат ва маҳаллий солиқлар ўртасида оптимал (мақсадга мувофиқ) мутаносиблик ўрнатиш, маҳаллий солиқлар аҳамиятини ошириш, давлат бюджетидан маҳаллий солиқлар томон бурилиш қилиш.

Тўртинчи тамойил – корхоналарни иқтисодий кучайтириш орқали уларнинг даромадларидан ҳудудий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда ҳиссасини ошириб бориш. Бундай тамойил корхоналар, тадбиркорлар, ишбилармонлар, барча соҳибкорларнинг ўз қишлоғи, шаҳри, тумани, вилояти, соҳасини ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар очади⁹⁷.

Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилигининг ривожланиши асосан мустақилликдан сўнг, яъни 1992 йил 15 февралдаги “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида”⁹⁸ги Қонун ва 1993 йил 7 майдаги Олий Кенгаш томонидан “Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида”⁹⁹ги Қонуннинг қабул қилиниши билан боғлиқ. Бу қонунларда белгиланган солиқлар йилма-йил

⁹⁷ Ўша манба.

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 4-сон, 86-модда.

⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 227-модда.

такомиллаштирилиб борилди. 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинди. Мазкур кодекс орқали солиқ ва йиғимлар ҳақидаги қоидалар ягона ҳуқуқий ҳужжат сифатида бирлаштирилди. 2007 йил 25 декабрда Солиқ кодекси бозор муносабатларининг ривожланишини инобатга олган ҳолда, янги таҳрирда қабул қилинди ва у 2008 йил 1 январдан амалга киритилди.

Солиқлар деганда Солиқ кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушинилади. Солиқ муносабатларининг иштирокчиси сифатида хусусий корхоналар асосан қуйидаги умумбелгиланган солиқ ва мажбурий тўловларни тўлайдилар:

- 1) фойда солиғи;
- 2) қўшилган қиймат солиғи;
- 3) акциз солиғи;
- 4) мол-мулк солиғи;
- 5) ер солиғи;
- 6) ягона ижтимоий тўлов;
- 8) Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”¹⁰⁰ги ПҚ-2099-сон Қарорига биноан барча тадбиркорлик субъектлари каби хусусий корхоналарнинг ҳам фаолиятидан олинадиган фойда солиғи миқдори 8 фоиз миқдорида; қўшилган қиймат солиғи 20 фоиз миқдорида; мол-мулк солиғи 4 фоиз миқдорида; ягона ижтимоий тўлов 25 фоиз миқдорида ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 1,6 фоиз миқдорида белгиланди.

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 690-модда.

Бундан ташқари микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирадиган хусусий корхона солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида ягона солиқ тўловини амалга оширади. Солиқ кодексининг 179-моддасига биноан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори ихтиёрида қоладиган фойда суммаси жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари тоифасига киритилган. “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунда ҳам шунга ўхшаш норма белгиланган. Ушбу қоидалар хусусий корхонанинг бошқа юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ўзига хослигини ва ютуғини белгилаб беради.

Мамлакатимизда мазкур қонун¹⁰¹ қабул қилингунга қадар корхона мулкдори бўлган жисмоний шахсни икки томонлама солиққа тортиш амалиёти мавжуд бўлиб, унда дастлаб корхонанинг даромадларига ва сўнгра, жисмоний шахс – корхона мулкдорининг даромадларига солиқ солиниши лозим эди (корхона даромадига солинадиган солиқ ва мажбурий тўловларини тўлаганидан сўнг, у даромад солиғини тўларди). Айрим иқтисодчилар буни икки томонлама солиқ солиш деб ҳисоблашади. Ҳақиқатдан ҳам, бундай тизим мамлакатимиз фуқаролари томонидан хусусий корхоналар тузилишига тўсқинлик қилар эди. Бошқа давлатларда, масалан, АҚШ, Англия ва Японияда бундай ҳолатларда солиқни фақат жисмоний шахс – корхона мулкдори тўлайди; Германия ва Францияда солиқни юридик ва жисмоний шахс – корхона мулкдори тўлайди, бунда юридик шахс томонидан тўланган солиқ ҳисобга кирмайди. Ўзбекистонда янги Қонун қабул қилиниши билан, юқорида таъкидланганидек, хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурийлар тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфига ўтади ва унга солиқ солинмайди¹⁰².

¹⁰¹ Изоҳ: “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонун назарда тутилмоқда.

¹⁰² Бутиков И. “Бозор ислохотларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам” // “Хўжалик ва ҳуқуқ” журнали, 2004 йил 2-сон, 11-б.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги конуннинг 9-моддасида белгиланганидек, тадбиркорлик фаолияти субъектлари бухгалтерия ва статистика ҳисобини конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритиши лозим.

Корхоналарнинг режа кўрсаткичларига доир вазифаларни бажариш мақсадида хўжалик фаолияти устидан кундалик кузатиб боришни талаб қилади. Бундай кузатиш ва бошқариш хўжалик ҳисоби ёрдамида амалга оширилади¹⁰³.

Хусусий корхоналарда, умуман барча тадбиркорлик субъектларида хўжалик ҳисобини юритишнинг мақсадлари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- а) иқтисодий фаолиятнинг бош мақсади бўлган - фойда олиш;
- б) киритилган маблағлар ва капиталнинг юқори самарали ишлатилиши устидан кузатишни амалга ошириш;
- в) ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот, иш ва хизматлар сифатини яхшилаш ҳамда яратилган маҳсулот таннархини камайтириш имкониятига эга бўлиш;
- г) таваккалчилик хавф-хатарини камайтириш.

“Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш бозор ислоҳотининг зарурий элементи ҳисобланади, чунки бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан бухгалтерия ҳисоби фақат ҳисоб-китоб юритиш функциясини бажармай, балки хўжалик субъектларининг фаолиятлари тўғрисидаги молиявий ахборотларни тайёрлаш ва ички ҳамда ташқи фойдаланувчиларга тақдим этишдир. Бухгалтерия маълумотларининг аҳамияти сезиларли даражада ошди, унинг аниқлилиги, объективлиги ва унга кириш имкониятига қўйиладиган талаблар даражаси ўсди.

Шу билан бирга қонунийчилик базаси ўзгарди, солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимларининг ҳамда бошқа стандартларнинг ўзгариши рўй берди, яъни бухгалтерия ҳисобини

¹⁰³ Ганиев Ш. Суд бухгалтерияси. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2005. 9-б.

иккиёқлама ёзув усулида юритиш; узликсизлик; хўжалик операциялари; активлар ва пасивларнинг пулда баҳоланиши; аниқлик; ҳисоблаш; олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик); мазмуннинг шаклдан устунлиги; кўрсаткичларининг қиёсланувчанлиги; молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги; ҳисобот давридаги даромад ва харажатларнинг бир-бирига тўғри келиши; активлар ва мажбуриятларни баҳолашнинг ҳақиқийлиги рўй берди”¹⁰⁴.

1996 йил 30 августда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунга кўра, бухгалтерия ҳисобининг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборатдир.

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари жамлама ҳисобварақларда акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан, шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланади. Мисол учун, 1998 йил 26 июлда Ўзбекистон

¹⁰⁴ Курбонов З., Йўлдошев П. “Тадбиркорлик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ҳуқуқий қоидалари”. Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси. №17. -Т.: Адолат, 2002. 7-б.

Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” стандарт.

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида молиявий ҳисобот тузилади. Молиявий ҳисобот бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот, изохлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни ўз ичига олади. У солиқ органларига, мулкдорларга, давлат статистика органларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга тақдим этилади.

Иккинчи боб юзасидан хулоса:

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, хусусий корхоналарнинг мулкӣ асослари деганда, муассиснинг корхона устав фондини шакллантириш мақсадида топширган пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулкӣ ҳуқуқлар, шунингдек бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар тушинилади. Хусусий корхона бирор ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширган ҳолда товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ушбу мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Қонунчиликда хусусий корхона устав фондининг энг кам миқдори белгиланмаган. Юридик шахслар тўғрисидаги бошқа қонунларда улар устав фондининг энг кам миқдори белгиланган. Шунинг учун хусусий корхоналарда ҳам устав фондининг энг кам миқдорини белгилаш лозим.

Хусусий корхоналар хўжалик шартномалари тузишда шартномалар тузишнинг эркинлиги, тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартнома интизомига риоя этиш ва тарафларнинг ўзаро мулкӣ жавобгарлиги каби принципларга таянади. Улар шартномавий муносабатларда олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, мулк ижараси, пудрат, кредит, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш ва бошқа шартномалар тузиш орқали ўз фаолиятини юритадилар.

Хусусий корхоналар давлат органлари билан солиқлар тўлаши, молиявий, статистик ва бошқа ҳисоботларни топшириш орқали муносабатларга киришади. Давлат эса ҳар бир солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектининг фаолиятини рағбатлантириб, ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишига ёрдам беради. Қонунчиликда бу борада хусусий корхоналарга маълум имтиёз ва кафолатлар берилган.

III БОБ. ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИ

3.1. Хусусий корхоналар фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш

Тадбиркорлик субъектлари, жумладан хусусий корхоналар ўз ташаббуси билан мустақил фаолият кўрсатса ҳам, улар давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда мададига муҳтожлик сезади. Қонунчилик билан мустаҳкамланган кафолатлар худди шу вазифалар амалга оширилишига қаратилади. “Ҳуқуқ нормалари тадбиркорларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатидир. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, фуқаролар даромадларининг ошиши ва улар фаровонлигини юксалтиришнинг ҳам муҳим гаровидир”¹⁰⁵.

Хусусий корхоналар мол-мулкнинг дахлсизлигини, товар ва пул маблағларини эркин тасарруф этишини, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишини, ахборотдан фойдаланишини, давлат органларига мурожаат қилишини ва қонунда ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш эркинлигини кафолатлашда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун муҳим аҳамиятга эга. “Ҳар бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахс мақомига эга бўлган ёки яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс энг аввало... “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунни, шунингдек тадбиркорлик фаолиятида зарур бўлган барча қонунларни яхшилаб ўзлаштириб олиши зарур”¹⁰⁶.

¹⁰⁵ Рўзиназаров Ш. “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг судда ҳимоя қилиниши”. Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси. №7. -Т.: Адолат, 2001. 4-б.

¹⁰⁶ Усмоналиев М., Тоҳиров Ф. “Тадбиркорлик ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик”. Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси. №14. -Т.: Адолат, 2001. 25-б.

“Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг 5-боби хусусий корхоналар фаолияти эркинлигининг кафолатларига бағишланди. Унда хусусий корхона мол-мулкининг национализация ва реквизиция қилинишига йўл қўйилмаслиги, уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши, битимлар тузишда эркинлиги, хусусий корхоналарга тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилиши, шунингдек солиқ ва текширишлардаги имтиёзлар белгиланди.

Хусусий корхоналар фаолиятини текшириш асослари ва муддатлари 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”¹⁰⁷ги Қонунида мустаҳкамланди. Унда назорат қилиш шакллари, унинг асосий принциплари, текширишларни ўтказиш учун асос ва текширувчи мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар қонун даражасида белгиланди. Мазкур қонунга кўра, назорат қилувчи органлар ўтказадиган хусусий корхоналар фаолиятини текшириш ўттиз календарь кундан ошиб кетмаслиги ва уларнинг фаолиятига ҳалақит бермаслиги лозим. Шу билан бирга қонун алоҳида ҳолларни назарда тутиб, махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддатнинг узайтирилишига йўл қўяди. Лекин қанча муддатга узайтирилиши белгиланмаган. Демак, бу муддат махсус ваколатли органнинг хоҳишига кўра, иш ҳолатларидан келиб чиқиб белгиланади... Мазкур тартиб махсус ваколатли орган томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятига сунъий тўсқинликлар яратилишига, текширув чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин, шунинг учун алоҳида ҳолларда ҳам текширувнинг қатъий бир муддати белгиланиши ва ушбу ўринда мутахассисларнинг текширувда комплекс ва комиссиявий иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ.¹⁰⁸ Ушбу фикрга

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 8-модда.

¹⁰⁸ Ражабов О. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатини таъминлаш” // “Хўжалик ва ҳуқуқ” журнали, 2002 йил 4-сони, 26-б.

кўшилган ҳолда қонунчиликка тадбиркорлик субъектларини текширишнинг энг узоқ муддати 30 кунлиги ва бу муддат узайтирилмаслигига оид императив норма ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

“Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига биноан, хусусий корхона фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, амалга оширилиши мумкин. Кичик тадбиркорлик шаклидаги хусусий корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқалариники эса кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади. Янги ташкил этилган кичик хусусий корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди.

Маълумки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси мамлакатимиз тадбиркорлик фаолияти субъектларини, шу жумладан микрофирмалар, кичик, хусусий корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни ихтиёрий равишда бирлаштирувчи нодавлат нотижорат ташкилотидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 441-сон Қарорига мувофиқ, палата назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган ҳар қандай текширишларда қатнашиши ва ўз аъзоларини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаши белгиланди.

Давлатимиз томонидан яратилган имтиёزلардан бири хусусий корхоналарнинг ҳисобот тақдим қилиш тартиби билан боғлиқ эди. Бундан бир неча йиллар муқаддамги мавжуд ҳолат тадбиркорлик субъектларини ўз ишидан кўра, ҳисоботлар тайёрлаш ва топширишга вақти кўпроқ сарфланар эди. “Кичик ... корхоналарнинг ҳисобот тақдим қилишлари масалаларини ҳам қонуний жиҳатдан тартибга солиш бугуннинг кун тартибида турган энг муҳим масалалардан бири саналар эди. Кичик ...

корхоналарнинг ҳар ойда 15 хилдан кўп ҳисобот топширишлари тоқат қилиб бўлмайдиган ҳол бўлиб, жумладан меҳнат биржаси, пенсия ижтимоий суғурта, бандлик жамғармалари, статистика идоралари, солиқ инспекцияси, банк ва бошқа ташкилотларга ҳисоботлар тақдим қилиш ҳоллари тадбиркорлар ишининг ривожланишида туртки бўладиган ҳолат бўлмай, балки бюрократик тўсиқлардан бошқа нарса эмас. Бунга озмунча вақт кетадими? Шуниси ҳам етмагандай устига-устак, ҳар бир ҳисобот бланкаси учун ҳақ тўлаши ҳам керак”¹⁰⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹¹⁰ги ПФ-3619-сон Фармонида 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди. Уларга қуйидагилар киритилди:

1. Фаолиятни тугатиш.
2. Фаолиятни тўхтатиб қўйиш. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.
3. Қонунда назарда тутилган ҳолатларни мустасно қилган ҳолда, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш.
4. Молиявий санкцияларни қўллаш. Солиқ ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня қўшиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқроор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно.
5. Ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш.

¹⁰⁹ Сайитов Э. “Тадбиркорликни рағбатлантириш”. Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси. №4. -Т.: Адолат, 2001. 24-25-бетлар.

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 167-модда.

6. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно).

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш учун имтиёзлар ва кафолатлар берадиган қонун ҳужжатларидан бири Солиқ кодексидир. Албатта, тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан жорий этиладиган асосий имтиёзлар улар тўлайдиган солиқларга бевосита боғлиқ. Солиқ кодексининг 11-моддасида солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи белгиланди. Унга кўра, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади. Мазкур кодекснинг 269-моддасига биноан, янги ташкил этилган хусусий корхоналар - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида мол-мулк солиғини тўлашдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияладиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”¹¹¹ги ПФ-4453-сон Фармонида тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинадиган ҳисоботлар, лицензияладиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан қисқартирилди, барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинди, микрофирмалар йиллик статистик ҳисобот тақдим этадиган бўлдилар.

“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат

¹¹¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда.

асосида муайян фаолиятни амалга оширишда тадбиркорлик субъекти томонидан бажарилиши шарт бўлган талаблар ва шартлар, рухсатномаларни “бир дарча” орқали кўпи билан 30 кунлик муддатда олиши орқали фаолият юритиши мустаҳкамланди.

Бугунги кунда хусусий корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш йўналишларидан асосийси сифатида уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш, асоссиз текширишларни олдини олиш ва уларнинг фаолиятига ноқонуний аралashiш ҳолатларига чек қўйиш ҳисобланади. “Бу тизимда тадбиркорнинг шахси ҳам муҳим ўрин тутди. Биринчи галда тадбиркор ўз ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини англаб етган бўлиши ва ҳуқуқий саводхон бўлиши лозим. Акс ҳолда унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун қандай тизим яратилмасин, у самарали фаолият кўрсата олмайди”¹¹².

Хусусий корхона ҳуқуқларининг кафолатларидан бири улар ишчанлик обрўсининг ҳимоя қилинишидир. Хусусий корхоналар ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларга, агар улар ҳақиқатга тўғри келмайдиган бўлса, раддия берилишини суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Башарти, хусусий корхоналарнинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айти шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда мавжуд бўлса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Агарда суднинг қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган жарима солишга ҳақли. Жарима тўлаш қоидабузарни суднинг ҳал қилув қарорида назарда тутилган ҳаракатни бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

¹¹² Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи. Дарслик. -Т.: Адолат, 2007. 404-б.

Қонунчилигимизда хусусий корхоналарнинг ташкил этилишидан тортиб то тугашигача ҳуқуқий ҳимоя қилинади. Улар суд, адлия, савдо-саноат палатаси, турли уюшмалар ва бошқа давлат-нодавлат тизимлар орқали амалга оширилади. Бу ўринда хўжалик судларининг ўрни бекиёсдир.

Иқтисодий муносабатларда юзага келаётган хусусий корхоналар иштирокидаги низоларни сифатли ҳал қилиб, одил судловни таъминлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш чораларини кўриш, хусусий корхоналар ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш соҳасида хўжалик судлари зиммасига юклатилган вазифаларни изчиллик билан амалга оширилиши давом этмоқда.

Хўжалик судлари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Хўжалик процессуал кодекси, “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Конституциямизнинг 111-моддасида белгиланганидек, мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлик ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Хусусий корхона фаолияти эркинлигини кафолатлаш, улар манфаатларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масалалари ҳамда бу соҳадаги суд амалиётида мавжуд бўлган муаммолар ечимига оид масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг қўшма Пленуми мажлисларида муҳокама этилиб, судларга бу соҳада аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қолаверса хусусий корхоналарни суд орқали ҳимоя қилиш учун қонун билан белгиланган имтиёзлардан фойдаланиши учун барча шарт-шароитлар яратиб келинмоқда.

Хўжалик судларига келиб тушаётган ҳар бир мурожаат чуқур ва ҳар томонлама текширилиб, низоларни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлаш чоралари кўриб борилмоқда. Айниқса, хусусий корхоналарнинг ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида давлат органларининг асоссиз аралашувларини ва қабул қилаётган ноқонуний қарорларини олдини олиш ва бартараф этишда судлар бугун хусусий корхона эгаларининг чинакам ҳимоячисига айланган.

Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги хўжалик судига мурожаат қилиб, “Давр Икром бизнес” хусусий корхонасига фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилиш муддатини тугатишни сўраган. Ишни судда кўриш жараёнида, назорат органи томонидан текшириш натижаси бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида тадбиркорга кўрсатма берилган, у эса кўрсатмани бажариб, аризачига ахборот берганлиги аниқланган. Шунга қарамаддан аризачи жавобгар лицензия талаблари ва шартларини қўпол равишда бузган, деб ҳисоблаган. Тошкент шаҳар хўжалик суди текширишда аниқланган камчиликлар жавобгар томонидан бартараф этилганлиги, шунингдек қалбаки дори-дармонларни тайёрлаш, сотиш каби ҳолатларга йўл қўйилмаганлигини инобатга олиб, аризани қаноатлантиришни рад этган¹¹³.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 феврал кунги “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида”ги 57-сон Қарорига кўра, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ишчи органи функцияларининг тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қисми Ўзбекистон

¹¹³ Юлдашев Ё. “Ҳуқуқий таъсир чораларининг суд томонидан қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари” // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси. 2007. №11, 48-бет.

Республикаси Адлия вазирлигига юклатилди. Адлия вазирлиги тузилмасида Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилди.

Тадбиркорлик фаолиятида катта миқдордаги моддий ва молиявий маблағлар билан муомала қилишга тўғри келади. Шунинг билан тадбиркор бошқа тадбиркорлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, ҳатто чет эл корхоналари билан муносабатга киришади. Бундан ташқари бозор иқтисодиёти тизими шароитида кучли рақобатга бардош бериш, банкрот бўлиб қолмаслик учун тадбиркор молиявий муомала қилишнинг сирларини яхшилаб ўзлаштириб олган бўлиши керак. Тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида кўплаб қонун нормаларининг талабларини бажаришга мажбурдир. Тадбиркор ўзининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни бажармаганлик унинг ўзига ва бошқа тадбиркорлар ҳамда ўзи муносабатда бўлаётган ташкилотга қандай зарар етказилиши мумкинлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак¹¹⁴.

Бизнингча ҳам ҳар бир тадбиркор ўз имкониятларини тўлиқ англаган ҳолда, тадбиркорликка оид қонунчиликдан мукамал хабар топган ҳолда ва ўз ишига виждонан ёндашган ҳолда амалга оширса - унинг ҳимоясини ўзи таъминлаган бўлади.

3.2. Хусусий корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик масалалари

Тадбиркорлик фаолиятида жавобгарлик тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мажбуриятларидан келиб чиқади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларида қуйидаги мажбуриятлар бор:

¹¹⁴ Усмоналиев М., Тохиров Ф. “Тадбиркорлик ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик”. Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси. №14. -Т.: Адолат, 2001. 25-б.

- ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришлари;
- ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари;
- хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза этиш талаблариги риоя этишлари;
- реализация қилинадиган товарлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари;
- почта манзили ва бошқа реквизитлар ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилишлари;
- бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари ва ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этишлари;
- қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни ўз вақтида тўлаб боришлари;
- ўз ҳуқуқларини амалга оширилаётганларида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмасликлари;
- ўзларининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилмасликлари, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатлар қилмасликлари;
- ўз ҳуқуқларини амалга ошираётганларида фуқароларнинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказмасликлари шарт.

Ушбу мажбуриятлар қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлиб, табиийки, уларни бузган ёки бажармаган ёхуд лозим даражада бажармаган тадбиркорлик фаолияти субъектининг юридик жавобгарлик масаласи кўрилади. Юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳуқуқлардан (шахсий, мулкӣ, ташкилий ва ҳоказо) маҳрум этилади. Умумий қоидага кўра, юридик жавобгарликнинг интизомий, фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарлик турлари назарда тутилади. Уларнинг субъектлари

бўлиб жисмоний шахслар ҳисобланади. Шунингдек, ҳеч бир жавобгарлик турига кирмаган ҳуқуқий-таъсир чоралари ҳам бевосита юридик шахслар фаолиятига қаратилади. Юридик шахслар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда унинг ҳуқуқий оқибатлари фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка олиб келади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари, шу жумладан, хусусий корхоналарнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масаласи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар нормал муносабатлар бўлганлигидан асосан улар тузган шартнома ва битимлардан келиб чиқади. Уларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Юридик адабиётларда фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси, шакллари, турлари ва асослари борасида турли хил фикр-мулоҳазалар мавжуд. Хусусан, айрим олимлар фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мулкӣ ва номулкӣ характерга эга санкция деб тушинишса, бошқа бир олимлар эса давлат ва жамоат томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари сифатида талқин этишади... Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик деганда, мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс (ҳуқуқбузар)га нисбатан фуқаролик ҳуқуқий мажбуриятларни юклаш ёки уни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишга асос бўладиган моддий мажбурлов чоралари тушинилади¹¹⁵. Бизнингча, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик деганда, фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахсга нисбатан қўлланиладиган мулкӣ ва номулкӣ мажбурлов чоралари тушинилади.

Баъзи бир хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги ва ташаббус кўрсатмаслиги, етказиб берилаётган

¹¹⁵ Азизов Х. “Хусусий мулк дахлсизлиги ва уни таъминлашнинг айрим масалалари” // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Ахборотномаси. 2007. №12, 27-бет.

маҳсулотлар, бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар учун иккинчи корхона билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни ташкил қилмасликлари, шу билан биргаликда, тўлов интизомига риоя қилмасдан, шартнома мажбуриятларини мунтазам равишда бузишлари каби салбий ҳолатлар нафақат бозор иқтисодиёти муносабатларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, унинг ривожланишига тўсиқ бўлиши, шу билан бирга, иккинчи бир хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволига қатъий зарба бериб, бу корхоналарнинг мўтадил молиявий-хўжалик фаолиятининг издан чиқиб, банкротлик ҳолатига тушишига ва кечиктирилган дебиторлик қарзларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда¹¹⁶.

Фуқаролик кодексининг 234-моддасига кўра, мажбурият - фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса - қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда бошқа асослардан келиб чиқади.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари, хўжалик шартномаларининг субъектлари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, хўжалик шартномасини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби, улар бўйича талабнома ва даъволар билдириш ҳамда шу билан бирга шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

¹¹⁶ Раҳимов Д. “Тадбиркорлик шартномалари бўйича жавобгарлик масалалари”. Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси. №10. -Т.: Адолат, 2001. 9-10-бетлар.

Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари ташкилот, корхоналарнинг мулкӣ манфаатдорлигини ҳимоя қилишни таъминлайди, бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун имконият яратади, бу ҳуқуқни бузганларга қонуний талаблар билдириш имкониятини беради¹¹⁷.

Шунинг учун ҳам, “Қонунчиликда шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлик ҳолати, хўжалик юритувчи субъект ҳуқуқларининг бузилиши ва қонуний манфаатларига етказилган зарарнинг даражаси ва миқдори, бунда ҳар бир тарафнинг айби қай даражада эканлиги каби мезонлардан келиб чиқиб, жавобгарликнинг муайян нормалари белгиланган”¹¹⁸.

Хусусан, қуйидаги мажбуриятлардан келиб чиқувчи жавобгарлик доираси белгиланади.

- товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

- етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

¹¹⁷ Раҳмонкулов Х.Р. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. -Т.: Фан, 1989. -с.90

¹¹⁸ Эрдонов А. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг айрим хусусиятлари” // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси. 2012. №7, 35-бет.

Умуман олганда, қоидага кўра юридик шахс раҳбари ёки ходими шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, шунингдек зарар етказишдан келиб чиқувчи мажбуриятлар юзасидан келиб чиқувчи жавобгарликни шу юридик шахснинг ўзи бўйнига олади. Бунда албатта фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик назарда тутилади. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунга биноан, шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка, маъмурий жавобгарликка, шунингдек жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 1001-моддасига мувофиқ, бошқа шахс (меҳнат мажбуриятларини бажараётган ходим, транспорт воситасини бошқарувчи шахс ва ҳ.к) томонидан етказилган зарарни тўлаган шахс бу шахсга нисбатан, агар қонунда бошқача миқдор белгиланмаган бўлса, тўланган товон миқдорида қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эга.

Хусусий корхоналар қонун талабларини ва мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида ваколатли органнинг мурожаати асосида суд томонидан фаолиятни тугатиш, тўхтатиш, қайта ихтисослаштириш, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий жазо чораларини қўллаш, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уларни бекор қилиш ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мумкин.

Фаолиятни тугатиш чораси қўлланганда хусусий корхона мажбурий тарзда тугатилади. Фаолиятни тўхтатиб туришда бирон фаолият билан

муайян вақт давомида ёки бирор ходиса рўй бергунга қадар шуғулланиш тақиқланади. Фаолиятни қайта ихтисослаштириш чораси қўлланганда олдингисидан бошқа ишлаб чиқариш фаолиятига ўтиш мажбурияти юклатилади. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишда корхона ўзининг ёки ўзганинг маблағларидан фойдаланиши тўхтатилади. Молиявий жазо чоралари солиқ, божхона ва бошқа қонун талаблари бузилган ҳолатларда жарима ёки пеня кўринишида қўлланилади. Лицензияларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш ёки уларни бекор қилиш лицензия шартномаси шартлари бажарилмаган ҳолатларда қўлланилади. Хўжалик процессуал кодексига мувофиқ хўжалик суди бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам қўллаши мумкин.

Солиқ кодексига кўра, солиқ тўловчининг ушбу кодексида жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади. Хусусий корхоналар солиққа оид ҳуқуқбузарликка йўл қўйган ҳолатларда уларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилади.

Хусусан, солиқ қонунчилиги талаблари бузилганлиги ҳолати бўйича туман давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига ариза билан мурожаат этиб, “Фотимабегим савдо” хусусий фирмасига нисбатан молиявий жарима қўллашни сўраган. Иш ҳужжатларидан аниқланишича, 2007 йил 16 февраль куни хусусий фирмага қаршли савдо шахобчасида банк муассасасига нақд пул тушумининг тўлиқ топширилиши ҳамда савдо қоидаларига риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда жавобгар томонидан 2300 сўм нақд пул тушуми НКМ хотирасига киритилмаганлиги, харидорга ушбу сумма бўйича харид чеки берилмаганлиги, “Х” ҳисоботи билан савдо ғазнасида кунлик нақд савдо пуллари солиштирилганида жами 3240 сўмлик фарқ аниқланган. Шунингдек, жавобгар томонидан ҳеч қандай кирим ҳужжатларисиз 7 турдаги жами 45300 сўмлик маҳсулотлар савдога қўйилганлиги маълум

бўлган. Шунга кўра, хўжалик суди томонидан давлат солиқ инспекциясининг молиявий жарима қўллаш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган¹¹⁹.

Маълумки, хусусий корхона мажбуриятларни бажаришда етарли мол-мулки бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича мулкдор ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади. Айрим олимларнинг фикрича, ушбу қоида “хусусий корхона мулкдорларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқларини чеклаб қўймоқда. Чунки корхона мол-мулкининг кредиторлик мажбуриятларини қоплашга етарли эмаслиги айнан корхона мулкдори айби билан юзага келган, деб хулоса чиқаришга асос бўлмайди”¹²⁰. Фуқаролик кодексининг 48-моддаси 4-қисмига кўра, агар юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Бизнингча ҳам ушбу нормани “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунга қоида тарзида киритиш лозим.

Учинчи боб юзасидан хулоса:

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда қонун ҳужжатларимизда хусусий корхоналар фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими демократик бозор иқтисодиёти талаблари даражасида таъминланди. Шундай бўлсада ҳали бу соҳаларда қонунчиликнинг айрим нормаларига ўзгартиришлар киритиш лозим.

¹¹⁹ Султонов Ш. “Хусусий корхоналар ҳуқуқ ва манфаатларини судда ҳимоя қилиш” // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси, 2007 йил 12-сони, 35-бет.

¹²⁰ Саидғозиева Н., Мирзаев Ф. “Хусусий корхонада мажбурият бўйича жавобгарликнинг айрим масалалари” // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси, 2006 йил 2-сони, 47-б.

Хусусан, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунга биноан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин. Мазкур тартиб махсус ваколатли орган томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятига сунъий тўсқинликлар яратилишига, текширув чўзилиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатларда ҳам текширувнинг қатъий бир муддати белгиланиши лозим.

Барча тадбиркорлик субъектлари каби хусусий корхоналар ҳам қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришлари лозим. Табиийки, уларни бузган ёки бажармаган ёҳуд лозим даражада бажармаган тадбиркорлик фаолияти субъектининг юридик жавобгарлик масаласи кўрилади. Қонунга кўра, хусусий корхона мажбуриятларни бажаришда етарли мол-мулки бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича мулкдор ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади. Фуқаролик кодексининг 48-моддаси 4-қисмига кўра эса, агар юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Фикримизча, ушбу нормани “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунга қоида тарзида киритиш лозим.

ХУЛОСА

Тадбиркорлик субъекти сифатида хусусий корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий масалаларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги илмий ҳулосалар, таклиф ва тавсиялар илгари сурилмоқда:

1. Бугунги кунда хусусий корхоналар мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, аҳолини иш билан таъминлашда ва ижтимоий ҳимоялашда муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

2. Хусусий корхоналар бошқа тадбиркорлик субъектларидан ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатида фарқланади. Бу ўзига хослик шу билан изоҳланадики, хусусий корхонанинг таъсисчиси бошқа тадбиркорлик субъектларидан фарқли равишда уни бевосита ўзи бошқаради.

3. Хусусий корхонанинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири унинг жавобгарлигидадир. У ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мулкдор хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

4. Солиқ кодексининг 179-моддасига биноан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори ихтиёрида қоладиган фойда суммаси жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари тоифасига киритилган. “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунда ҳам шунга ўхшаш норма белгиланган. Ушбу қоидалар хусусий корхоналарнинг бошқа юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ўзига хослигини ва ютуғини белгилаб беради.

5. Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари таҳлили, олимларнинг фикрлари ва хусусий корхонанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, уларга илмий таъриф ишлаб чиқилди. Хусусий корхона - бу мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан ташкил этиладиган ва бошқариладиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича

мулкдорнинг субсидиар жавобгарлигини вужудга келтирувчи тижоратчи юридик шахсдир.

6. “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунга биноан, мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Бу ерда “тузилган” сўзи ўтган замон маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, хусусий корхоналар нафақат ушбу қонун қабул қилингунча, балки ундан кейин ҳам ташкил этилади. Шунинг учун бу сўзни “тузиладиган” сўзига алмаштириш лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида тижоратчи ташкилотлар сифатида тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, очиқ ва ёпиқ акциядорлар жамияти, шўъба хўжалик жамияти, қарам хўжалик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативлари, хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона, оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси кўрсатилган ва уларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланган. ХКлар ҳам қонун асосида вужудга келган юридик шахсларнинг бир туридир. Фикримизча, қонунда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шакллардан бири бўлган хусусий корхона ҳуқуқий мақомига оид норма Фуқаролик кодексига киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

8. Хусусий корхона атамаси турли қонун ҳужжатларида омоним сифатида ишлатилмоқда. “Хусусий” сўзи юридик шахсларнинг мулкчилик шаклини ифодаловчи сўз бўлиб, “корхона” сўзи эса умумий маънода барча ташкилий-ҳуқуқий шаклларни ҳам ифодалаши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида “хусусий корхона” сўз бирикмаси барча ташкилий-ҳуқуқий шаклларни қамраб олмоқда. Бизнингча, “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунда ишлатилган “хусусий корхона” атамасини “якка корхона”, “индивидуал корхона”, “хусусий фирма” ёки “шахсий фирма” сўз бирикмаларидан бирига алмаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

9. Қонуннинг 12-моддасига кўра, хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди. Юридик шахсларнинг қолган турлари билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг деярли барча қонунларида уларнинг минимал устав фонди аниқ белгиланган. Фикримизча, мазкур қонунда ҳам хусусий корхонанинг энг кам миқдордаги устав фондини белгилаш лозим.

10. Қонуннинг 17-моддасига биноан, вафот этганлиги, муомалага лаёқатсизлиги, муомала лаёқати чекланганлиги ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги оқибатида мулкдорнинг хусусий корхона раҳбари вазифасини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда хусусий корхонани бошқариш фуқаролик қонун ҳужжатларига ва ХКнинг уставига мувофиқ амалга оширилади. Фуқаролик кодексида фуқарони вафот этган деб эълон қилиш факти белгиланган. Фикримизча, ушбу фактни ҳам мазкур моддага қўшиш лозим.

11. Бугунги кунда қонун ҳужжатларимизда хусусий корхоналар фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими демократик бозор иқтисодиёти талаблари даражасида таъминланди. Шундай бўлсада ҳали бу соҳаларда қонунчиликнинг айрим нормаларига ўзгартиришлар киритиш лозим. Хусусан, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунга биноан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин. Мазкур тартиб махсус ваколатли орган томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятига сунъий тўсқинликлар яратилишига, текширув чўзилиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатларда ҳам текширувнинг қатъий бир муддати белгиланиши лозим.

12. Хусусий корхона мажбуриятларни бажаришда етарли мол-мулки бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича мулкдор ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар

бўлади. Фуқаролик кодексининг 48-моддаси 4-қисмига кўра эса, агар юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Фикримизча, ушбу нормани “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунга қоида тарзида киритиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2012. 40-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. -Т.: “Адолат”, 2010. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
3. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. -№9, 234-модда (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007. 52 (I)-сон (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
5. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995. -№3. 6-модда (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
6. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. 11 декабрь 2003 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
7. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 6 май 2014 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 25 апрель 1996 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
9. Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни. 25 май 2000 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
10. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни. 29 август 1998 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

11. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. 6 январь 2012 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
12. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. 26 апрель 2012 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
13. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни. 2 май 2012 йил.
14. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 24 декабрь 1998 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
15. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 24 сентябрь 2012 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
16. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни. 6 декабрь 2001 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
17. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни. 24 апрель 2003 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
18. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. 31 октябрь 1990 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
19. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида” Қонуни. 15 февраль 1991 йил.
20. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 15 февраль 1991 йил.
21. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонуни. 21 декабрь 1995 йил.

22. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни. 20 декабрь 2012 йил.
23. Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуни. 18 сентябрь 2006 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
24. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар солиқлари тўғрисида»ги Қонуни. 15 февраль 1992 йил.
25. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий солиқлар тўғрисида»ги Қонуни. 7 май 1993 йил.
26. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 30 август 1996 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
27. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги 222-II-сон Қарори. 12 май 2001 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619 сонли Фармони.
29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 24 июндаги ПФ-3622-сонли Фармони.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сонли Фармони.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони.
32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли Фармони.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармони.
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида” ги 1996 йил 8 августдаги ПФ-1503-сонли Фармони.
35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 1999 йил 28 июндаги ПФ-2331-сонли Фармони.
36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 1994 йил 21 январдаги ПФ-745-сонли Фармони.
37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида” ги 1995 йил 5 январдаги ПФ-1030-сонли Фармони.
38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 24 январдаги ПФ-1740-сонли Фармони.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги 2003 йилнинг 24 мартдаги ПФ-3226-сонли Фармони.
40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-100-сонли қарори.
41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1604-сонли қарори.
42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги” ПҚ-357-сонли қарори.
43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1112-сонли қарори.
44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-1474-сонли қарори.
45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1529-сонли қарори.
46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 24 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг

фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-630-сонли қарори.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2099-сонли қарори.

48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 августдаги “Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 387-сонли қарори.

49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги “Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида”ги 413-сонли қарори.

50. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги “Молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ва қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги 327-сонли қарори.

51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357-сонли қарори.

52. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6-сонли қарори.

53. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни

рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида”ги 57-сонли қарори.

54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 441-сонли қарори.
55. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 55-сонли қарори.
56. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 июлдаги “Ўзбекистон ССЖ ҳудудидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 159-сонли қарори.
57. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги “Республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 85-сонли қарори.
58. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги “Кичик бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 65-сонли қарори.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг
асарлари:**

59. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: “Ўзбекистон”, 1993. 128-б.
60. Каримов И.А. Халқ ишончи - олий саодат // Ўзбекистон Президенти сайловлари: қарорлар, мурожаатлар. -Т.: 2000. 313-б.
61. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.6. -Т.: “Ўзбекистон”, 2002. 80-б.

62. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик. Т.11. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003. 320-б.
63. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2004. 400-б.
64. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. 320-б.
65. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли”. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. 48-б.
66. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008. 236-б.
67. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. 149-б.
68. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. 55-б.
69. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.
70. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

71. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011. 48-б.
72. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011. 360-б.
73. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011. 440-б.
74. Каримов И.А. Мамлакатимизнинг тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлиги, ватанимизнинг обрў-эътиборини янада ошириш йўлида меҳнат қилиш – муқаддас бурчимиз. Тошкент вилояти халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2013 йил 4 апрел.
75. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

IV. Асосий адабиётлар:

76. Азизов Х., Ширинов Ж., Бакаев Ш. “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш”. -Т.: “Академия”, 2013. 114-б.
77. Оқюлов О., Отахонов Ф.Х. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш муаммолари. Монография, -Т.: ТДЮИ, 45-б.
78. Оқюлов О. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқининг долзарб муаммолари. -Т.: ТДЮИ, 2007. 147-б.
79. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. -Т.: “Ўзбекистон”, 2008. 200-б.

80. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳукуқи (Умумий қоидалар). Ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юртлари “Хусусий ҳуқуқ” йўналиши магистратура талабалари учун. -Т.: ТДЮИ, 2005. 231-б.
81. Раҳмонкулов Ҳ., Гулямов С. Корпоратив ҳуқуқ. -Т.: ТДЮИ, 2007. 512-б.
82. Раҳмонкулов Ҳ., Рўзиназаров Ш. ва бошқалар. Хусусий мулк ҳуқуқининг мазмуни. -Т.: 2008. 159-б.
83. Муаллифлар жамоаси. Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришнинг ҳуқуқий муаммолари. Монография. -Т.: ТДЮИ, 2008. 308-б.
84. Муаллифлар жамоаси. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи (лотин алифбосида). -Т.: “Адолат”, 2007. 466-б.
85. Қодиров К. Хўжалик шартномаси: расмийлаштириш тартиби, бажарилишини таъминлаш усуллари ва амалиёти. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. 72-б.
86. Эгамбердиев Э., Хўжакулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. -Т.: Молия институти, 2003. 175-б.
87. Пугач И.Л. Кичик ва оилавий бизнес: ташкил этиш ва ривожлантириш. Тадбиркорлар учун қўлланма. (Рус тилидан ўзбек тилига таржима). 2012. 100-б. // www.ced.uz
88. Гражданское право. Отв. ред. Е.А.Суханов. -М.: БЕК, 1998. Т.1.
89. Мадумаров Л, Хасанов Ф. Хусусий корхона – юридик шахс сифатида. -Т.: ТДЮИ, 2009. 77-б.
90. Муаллифлар жамоаси. Тадбиркорлик ҳуқуқи. (Умумий қисм). -Т.: “Консаудитинформ”, 2002. 672-б.
91. Ганиев Ш. Суд бухгалтерияси. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2005.
92. Қурбонов, Йўлдошев П. Тадбиркорлик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ҳуқуқий қоидалари. Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси - №17. -Т.: “Адолат”, 2002.
93. Шестаков А.В. Коммерческое (торговое) право Российской Федерации. Учебное пособие. -М.: 2003. -с. 255.

94. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. 1-қисм. -Т.: ТДЮИ, 2006. 384-б.
95. Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. -Т.: Молия, 2001. 268-б.
96. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право: общие положения. -М.: Статут, 1997. -с. 682.
97. Горфинкель В.Я., Поляк Г.Б., Швандар В.А. Предпринимательство. - М.: Юнител, 1999. -с. 56.
98. Рўзиназаров Ш. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг судда ҳимоя қилиниши. Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси. -№7. - Т.: “Адолат”, 2001.
99. Рўзиев Ж. АҚШда тадбиркорлик: ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар. -Т.: “Фан”, 1991. 187-б.
100. Сайитов Э. Тадбиркорликни рағбатлантириш. Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси. -№4. -Т.: “Адолат”, 2001.
101. Усмоналиев М., Тоҳиров Ф. Тадбиркорлик ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик. Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси. -№14. -Т.: “Адолат”, 2001.
102. Раҳимов Д. Тадбиркорлик шартномалари бўйича жавобгарлик масалалари. Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонаси. -№10. -Т.: “Адолат”, 2001.
103. Раҳмонкулов Х.Р. Договорные отношения в агропромышленном комплексе. -Т.: Фан, 1989. 90-б.
104. Синдаров К., Турдибоев Ҳ. Тадбиркорлик шартномалари. -Т.: 2002. 84-б.
105. Отахонов Ф., Амонов Д. Тадбиркорлик субъектларини ташкил этишининг ҳуқуқий асослари. -Т.: ТДЮИ, 2006. 116-б.
106. Караходжаева Д.М., Баратов М.Х., Имомов Н.Ф. Хусусий мулк – ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи. Ўқув-услубий мажмуа. -Т.: “Адолат”, 2011. 64-б.

V. Қўшимча адабиётлар:

107. Абдусаломов М.Э. “Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари”: ю.ф.н. ...дис. -Т.: 2004. 147-б.
108. Караходжаева Д.М. “Проблемы развития и совершенствования законодательства о праве собственности юридических лиц в Республике Узбекистан”: ю.ф.д. ...дис. -Т.: ТДЮИ, 2008. 310-б.
109. Рўзиназаров Ш.Н. “Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми”: ю.ф.д. ...дис. -Т.: 1995. 343-б.
110. Топилдиев В.Р. “Юридик шахсларни ташкил этиш бўйича таъсис шартномаларининг назарий ва амалий муаммолари”: ю.ф.н. ...дис. -Т.: ЎзМУ, 2005. 186-б.
111. Холбаев С.Б. “Тўла хўжалик юретиш ҳуқуқининг субъекти сифатида корхонанинг мулкӣ-ҳуқуқӣ лаёқати”: ю.ф.н. ...дис. -Т.: ТДЮИ, 1994. 170-б.
112. Шукуруллаев А.Х. “Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиниши”: ю.ф.н. ...дис. -Т.: 2001. 185-б.
113. Эргашев В.Ё. “Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари” ю.ф.н. ...дис. -Т.: 2005. 182-б.
114. Юлдашев Ж.И. “Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида”: ю.ф.н. ...дис. -Т.: ТДЮИ, 2008. 196-б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

115. Абраев А., Абдуллаев А. Хусусий корхона // “Ҳаёт ва қонун” журнали. -Тошкент, 2005. - № 3. - Б. 11-12.
116. Азизов Х. Хусусий мулк дахлсизлиги ва уни таъминлашнинг айрим масалалари // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ахборотномаси. –Т.: 2007. -№12. –Б. 26-29.

117. Саидғозиева Н. ва Мирзаев Ф. Хусусий корхонада мажбурият бўйича жавобгарликнинг айрим масалалари // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. -Тошкент, 2006. -№ 2. –Б. 47-48.
118. Султонов Ш. Хусусий корхоналар ҳуқуқ ва манфаатларини судда ҳимоя қилиш // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. -Тошкент, 2007. -№ 12. –Б. 33-35.
119. Зокиров С. .“Хусусий корхона ҳўжалик юритувчи субъект сифатида” // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. - Тошкент, 2011. -№ 7. –Б. 27-30.
120. Мирзаҳақимов Ш. Хусусий корхоналарни текшириш тартиби: суд амалиёти // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. -Тошкент, 2012. -№ 5. –Б. 24-28.
121. Нармурадов Н. Ҳуқуқий таъсир чораси – энг сўнгги восита. // *Нуқуқ ва бурч*. -Тошкент, 2012. -№5(77). -Б. 32-33.
122. Краменко А. Порядок государственной регистрации коммерческих организаций с иностранными инвестициями // *Право и экономика*. 1999. -№10. –С. 14.
123. Абдусаломов М, Рўзиназаров Ш. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий лаёқати ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммолари // *Ҳуқуқ–Право–LAW* журнали. - Тошкент, 2002. -№ 4. –Б. 13-19.
124. Юлдашев Ж. Рўйхатдан ўтказиш ҳақида нималарни биламиз? // *Ҳуқуқ ва бурч* журнали. -Тошкент, 2011. -№ 11/71. –Б. 28-31.
125. Юлдашев Ё. Ҳуқуқий таъсир чораларининг суд томонидан қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. -Т.: 2007. -№11. -Б. 45-48.
126. Қаюмов Б. Тадбиркорлик субъектлари уларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ ютуқ ва муаммолар // *Ҳуқуқ ва бурч* журнали. - Тошкент, 2013. -№ 04/88. –Б. 28-29.

127. Қодиров Ф. Хусусий корхоналарни ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос тартиби // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. 2005 йил -№ 2-3. – Б. 41-42.
128. Караходжаева Д. Юридик шахс институти // “Ҳаёт ва қонун” журнали. -Тошкент, 2004. -№ 4. –Б. 21-22.
129. Бутиков И. Бозор ислохотларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлидаги муҳим кадам // “Хўжалик ва ҳуқуқ” журнали. -Тошкент, 2004. -№ 2. –Б. 8-12.
130. Таджиев У. Юридик шахснинг устави // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. -Тошкент, 2010. -№ 7. –Б. 34-37.
131. Тўраев А. Юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати // “Хўжалик ва ҳуқуқ” журнали. -Тошкент, 1999. -№ 5. –Б. 37-40.
132. Ражабов О. Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатини таъминлаш // “Хўжалик ва ҳуқуқ” журнали. -Тошкент, 2002. -№ 4. –Б. 26.
133. Раҳмонкулов Х.Р. О понятии юридического лица. // Хўжалик ва ҳуқуқ журнали. -Тошкент, 2003. -№ 6. –Б. 62-65.
134. Рўзиев Р. Тадбиркорлик фаолиятида шартноманинг аҳамияти ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш масалалари // “Хўжалик ва ҳуқуқ” журнали. -Тошкент, 1999. -№ 8. –Б. 41-43.
135. Рўзиназаров Ш. Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома муносабатлари // “Хўжалик ва ҳуқуқ” журнали. -Тошкент, 1999. -№ 5. –Б. 24-33.
136. Эрдонов А. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг айрим хусусиятлари // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Ахборотномаси. - Тошкент, 2012. -№ 7. –Б. 35.
137. Эгамбердиева Н. Юридик шахс жавобгарлиги // “Ҳаёт ва қонун” журнали. -Тошкент, 2004. -№ 3. –Б. 45-46.

138. Рўзиназаров.Ш. Тадбиркорлик субъектлари мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси. -Тошкент, 2006. -№ 3. –Б. 11-12.
139. Эгамбердиева Н. Айб ва унинг фуқаролик ҳуқуқида намоён бўлиши // Хўжалик ва ҳуқуқ. -Тошкент, 2004. -№ 4. –Б. 27.
140. Солиев С. Шартномани бекор қилиш тартиби ва ҳуқуқий асослари // Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси, - Тошкент, 2012. -№9. –Б. 42-47.

VII. Интернет сайтлари:

141. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси)
142. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
143. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)
144. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги)
145. <http://www.xz.uz> (Халқ сўзи газетаси).
146. <http://www.dissercat.ru> (Электронная библиотека диссертаций).
147. <http://www.press-service.uz> (Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати).
148. <http://www.ced.uz>
149. <http://www.jstor.org>
150. <http://ru.wikipedia.org>
151. <http://base.consultant.ru>
152. <http://www.pavel.bazhanov.pro>